

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

27-сон
(371)
2009 йил
6 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

311. «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги ПҚ-1144-сон қарори

312. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 июлдаги ПҚ-1148-сон қарори

Учинчи бўлим

313. «Маҳсулот тақсмотига оид битимларни ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимларни амалга ошириш механизмини та-

комиллаштириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 июндаги 178-сон қарори

314. «Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 июндаги 179-сон қарори
315. «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июндаги 181-сон қарори
316. «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан яқка тартибда уй-жой куриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 июлдаги 184-сон қарори
317. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 июлдаги 185-сон қарори

Бешинчи бўлим

318. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 22 июндаги 76, 65, ЭГ-01/10-3881, 01-02/8-13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1853-1*)
319. «Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 24/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1977*)
320. «Дорихоналар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 26/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1978*)

321. «Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг 2009 йил 28 майдаги 11, 52, 52-4-4/46, 11/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1979*)

322. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2009 йил 1 июлдаги 16/09-сонли Ҳайъати мажлисининг баёни [Кўчирма]. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1564-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 27 июндан 3 июлгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

311 2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида

Аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни вояга етказиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1096-сон қарорини бажариш юзасидан:

1. 2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури иловага* мувофиқ маъқуллансин. У қуйидагиларга йўналтирилгандир:

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш; туғруққа ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари ҳамда оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш;

аҳоли ўртасида соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишни шакллантириш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш;

болалар ва ўсмирларни жисмоний жихатдан бекаму кўст ҳамда уйғун камол топтириш, жисмонан бақувват ва маънан баркамол ёш авлодни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ПҚ–1096-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ҳукумат комиссияси зиммасига Дастур бажарилиши мониторинги ва уни ташкил қилиш вазифаси юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари бошчилигидаги тегишли ҳудудий комиссиялар тузилсин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирлар республика минтақаларида тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Ҳукумат комиссияси (Ш.М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда манфаатдор республика давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бўйича ҳудудий ҳамда тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини таъминласин;

Дастурдаги тадбирлар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши бўйича республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасидаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ҳар бир чорак якунлари бўйича тасдиқланган тадбирлар Дастурининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда, айниқса республиканинг олис туманларида, фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш сифатини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда, хусусан туғилиш, оналар ва чақалоқлар ўлими юқори даражада бўлган туманларда акушер-гинекологлар, неонатологлар, педиатрлар, болалар гинекологлари билан таъминланганлик ҳолатини таҳлил қилсин ва Ҳукумат комиссиясининг кўриб чиқиши учун тегишли таклифларни киритсин;

аҳолининг репродуктив саломатлиги мустаҳкамланишини, оналар ва болалар саломатлиги муҳофаза қилинишини таъминлаш борасидаги иш натижаларига кўра ҳар йили ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг раҳбарлари ва бош мутахассисларини аттестациядан ўтказиб турсин.

5. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бир ой муддатда аҳоли орасида, айниқса хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом болалар туғиш ва тарбиялаш масалалари юзасидан тизимли асосда тушун-

тириш ишларини ташкил қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўшма тадбирини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари тасдиқланган тадбирлар Дастурининг мақсад ва вазифалари кенг қўламда тушунтириб борилишини, унинг амалга оширилиши, тадбирлар Дастурида назарда тутилган туғруққа ёрдам кўрсатиш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлиги муҳофаза қилинишини, жисмонан соғлом ҳамда маънан баркамол ёш авлоднинг туғилиши ва тарбияланишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига тегишли республика бошқарув органлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг аниқ хиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 июль,
ПҚ-1144-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

312 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Трансosiё темир йўллари тармоғи бўйича 2006 йил 10 ноябрь куни Корея Республикасининг Пусан шаҳрида имзоланган Ҳукуматлараро битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидалари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 июль,
ПҚ-1148-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

313 Маҳсулот тақсимотига оид битимларни ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳсулот тақсимоти ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини ўрганиш бўйича Комиссия ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 5 мартдаги Ф–2945-сон Фармойишини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда танловлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар (кейинги ўринларда «битим» деб аталади) доирасида кадрлар сиёсатини амалга оширишда:

битим бўйича ишларни бажаришда инвестор томонидан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунларига ва «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига зид бўлмаган қисми юзасидан операторнинг ёки бошқа ташкилотларнинг ходимларини танлаш, ёллаш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш бўйича инвестор ўзининг корпоратив сиёсатини қўллаш ҳуқуқига эга;

инвестор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига ва битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг битим бўйича ишларни бажаришга жалб этилишини таъминлайди;

операторда ёки битим бўйича ишларни бажариш учун инвестор томонидан ташкил этиладиган бошқа ташкилотда ишлаш учун инвестор томонидан хизмат сафарига юбориладиган мутахассислар, агар уларга моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ раҳбарлик, ташкилий, фармойиш берувчи, назорат-текшириш функциялари юкланган бўлса, мансабдор шахслар ҳисобланадилар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган моддий ва бошқача жавобгар бўладилар;

хизмат сафарига юборилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган таққосланадиган лавозимлар учун бир

йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи даражасига мувофиқ хизмат сафарига юборувчи инвестор томонидан амалга оширилади. Бўш лавозимлар мавжудлиги ҳисобига пайдо бўладиган тежаш операторнинг бошқа хизмат сафарига юборилган ходимларига тақсимланмайди ёки навбатдаги календарь даврларга ўтказилмайди. Инвестор томонидан хизмат сафарига юборилган айрим ходимларга бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган таққосланадиган лавозимлар бўйича бир йил учун ўртача ойлик иш ҳақи даражаларига нисбатан кўпайишга олиб келган иш ҳақи белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинса, ушбу кўпайтириш миқдори қопланмайди;

оператор томонидан ёки битим бўйича ишларни бажариш учун инвестор томонидан ташкил этиладиган бошқа ташкилот томонидан жалб этиладиган ходимларни моддий ва номоддий рағбатлантиришнинг барча тўловлари бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланадиган бюджетнинг тегишли моддалари доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзбекнефтгаз» МХК маҳсулот тақсмотига оид битимларни ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги тузилган битимларни амалга ошириш бўйича ваколатли органлар сифатида инвесторлар билан музокаралар олиб бориш асосида тегишли битимларга ва бошқарувчи қўмита томонидан қабул қилинадиган ички ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 июнь,
178-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 25 июндаги 178-сон қарорига
ИЛОВА

**Маҳсулот тақсимотида оид битимлар ва геология-қидирув
ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида
товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда
танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳсулот тақсимоти ва геология-қидирув ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини ўрганиш бўйича Комиссия ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 5 мартдаги Ф–2945-сон Фармойишини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган ҳамда нефть-газ операцияларини олиб бориш жараёнида, шу жумладан нефть ва газ саноати соҳасида маҳсулот тақсимоти ва геология-қидирув ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимлар (кейинги ўринларда «битимлар» деб аталади) доирасида геология-қидирув ишларини олиб бориш жараёнида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишдаги асосий талабларни белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

буюртмачи — :

товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни режалаштирган;

товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш талабини берган;

техник шартларни тайёрлаган;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаган;

танлов савдолари ўтказиш бўйича ташкилий-техник ишларни бажарган оператор ёки инвестор томонидан вакил қилинган бошқа шахс;

тижорат таклифлари сўрови — танлов бўйича танлаш мавзуси ҳисобланган товарлар, ишлар ва хизматларга қўйилган талаблар мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми ва пудратчи (етказиб берувчи)нинг техник, тижорат, ташкилий имкониятларига қўйиладиган талаблар;

инвестор — ўз маблағларини, қарз олинган ёки жалб қилинган маблағларни (мол-мулк) ва (ёки мулкий ҳуқуқларни) углеводородларни излаш, қидирув ва қазилу учун киритилаётган инвестиция фаолияти субъекти, шунингдек унинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарийлари;

малака танлови — танлов савдоларида қатнашишга рухсат этиш учун талабгорлар буюртмачининг малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида талабгорларни танлаш. Малака танлови пудратчилар (етказиб берувчилар)ни олдиндан малака танлови шаклида ёхуд танлов савдоларининг биринчи босқичи билан бирга ўтказилиши мумкин;

контракт — барча иловалар ва қўшимчалар билан биргаликда буюртмачи билан пудратчилар (етказиб берувчилар) ўртасида эришилган ва ёзма шаклда қайд этилган, тарафлар имзолаган битим (шартнома);

рақобат варақаси — танлов қатнашчилари тақдим этган нархларнинг қиёсий жадваллари ва шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳужжат. Ушбу ҳужжат олинган танлов ёки тижорат таклифлари асосида эксперт комиссияси томонидан тузилади;

танлов — танлов бўйича танлаш ёки танлов савдолари йўли билан товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш учун пудратчини (етказиб берувчини) танлаш тартиб-қоидаси;

танлов бўйича танлаш — буюртмачининг тегишли талабларини ҳисобга олган ҳолда танлов бўйича танлаш қатнашчилари томонидан тақдим этилган тижорат таклифлари қиёслианишини назарда тутадиган тижорат таклифлари сўровида баён қилинган талаблар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул пудратчисини (етказиб берувчисини), ишлар ва хизматларни бажарувчини танлаш тартиб-қоидаси;

танлов савдолари — танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул пудратчисини (етказиб берувчисини) ишлар ва хизматларни бажарувчини танлаш тартиб-қоидаси;

танлов буюртманомаси — танлов таклифи таркибидаги тижорат ҳужжатларида ёки тижорат таклифлари сўровида белгиланган талабларга мувофиқ танловнинг аниқ предметига нисбатан танлов қатнашчиси томонидан тақдим этилган товарлар, ишлар ва хизматлар қийматини ва бажариш ёки етказиб бериш муддатларини белгилайдиган ҳужжат;

танлов ҳужжатлари — танлов савдолари предмети ҳисобланган товарлар, ишлар ва хизматларга, пудратчининг (етказиб берувчининг) техник, молиявий ва ташкилий имкониятларига, шунингдек танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиб-қоидаси тўғрисидаги ахборотга қўйиладиган талаблар мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

танлов комиссияси — битим доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харидлари бўйича танловларни ташкил этиш, ўтказиш ва танлов натижалари бўйича тегишли қарорни қабул қилиш мақсадида буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ишлайдиган комиссия бўлиб, унинг таркибига битимни амалга ошириш бўйича ваколатли органнинг ва инвесторнинг вакиллари ҳам киритилади. Агар танлов комиссияси мажлисида унинг рўйхатдаги таркибининг 70 фоизи ва ундан ортиғи қатнашса танлов комиссияси мажлиси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади. Танлов комиссиясининг қарори мажлисда қатнашганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади;

танлов таклифи — пудратчи (етказиб берувчи) томонидан танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдоларининг предметига ва пудратчи (етказиб берувчи)нинг имкониятларига нисбатан ҳужжатлар туркуми;

баҳолаш мезонлари — танлов қатнашчиларини танлаш, танлов ёки

тижорат таклифини баҳолаш ва савдолар ғолибини танлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

йирик ёки мураккаб товарлар, ишлар ва хизматлар — харидларга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун энг мақбул қарорни аниқлаш учун батафсил тавсифларни шакллантиришнинг мураккаблиги билан фарқ қиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар;

маҳаллий пудратчи (етказиб берувчи) — Ўзбекистон Республикасининг ишлар ёхуд хизматларни бажариш бўйича товарларни етказиб берувчи сифатида ёки пудратчи сифатида буюртмачи томонидан жалб қилинадиган юридик ёки жисмоний шахслари;

пудратчи — ишлар ёхуд хизматларни бажарадиган ташкилот;

етказиб берувчи — товарларни етказиб берадиган ташкилот;

иш — натижалари ашёвий шаклга эга бўлган ҳамда ташкилотлар ва (ёки) жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган фаолият;

таклифнинг ҳисобланган нархи — эксперт комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов қатнашчилари танлов буюртманомасига киритишлари керак бўлган ортикча нарх ва нархни ҳисобга оладиган танлов буюртманомасига тузатиш киритиш йўли билан ҳисоблаб чиқиладиган нарх;

товар — сотиладиган ёхуд сотиш учун мўлжалланган ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар, қаттиқ, суюқ ва газсимон ҳолатдаги предметлар, энергиянинг барча турлари, шунингдек, етказиб бериладиган товарларга қўшимча хизматлар, агар уларнинг қиймати товарнинг ўз қийматидан ортик бўлмаса;

товарлар, ишлар ва хизматлар харидига қўйиладиган талаб (талаб) — буюртмачи томонидан расмийлаштирилган, унинг товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга эҳтиёжини акс эттирадиган расмий ҳужжат;

ваколатли орган — давлат бошқаруви органи ёки давлат корхонаси, ёхуд давлат улуши эллик бир фоиздан кам бўлмаган корхона, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан Ўзбекистон Республикаси номидан битимларни бажариш бўйича ваколатли орган сифатида белгиланган орган;

бошқарувчи қўмита — битим тарафларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган битим доирасидаги бошқарувнинг махсус ташкил этилган юқори органи, қўмита тегишли битимлар доирасида харидларни амалга оширишда танловлар ўтказиш бўйича ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

хизматлар — натижалари ашёвий шаклга эга бўлмаган фаолият, ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида амалга оширилади ва истеъмол қилинади;

танлов қатнашчиси — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёхуд у давлат рўйхатидан ўтказилган мамлакат қонун ҳужжатлари билан танловларда қатнашиши тақиқланмаган танлов ёки тижорат таклифини тақдим этган юридик ёки жисмоний шахс;

таклиф нархи — товарлар, ишлар ва хизматлар учун пудратчи (етказиб берувчи)нинг танлов буюртманомасида таклиф қилинган нарх;

эксперт комиссияси — тегишли равишда танлов ёки тижорат таклифларини батафсил баҳолаш учун ҳар бир танлов бўйича танлов комиссияси ёки буюртмачи томонидан ташкил этиладиган орган. Эксперт комиссияси таркибига зарурият бўлганда жалб этилган экспертлар киритилиши мумкин.

3. Ҳар хил тушунилишига йўл қўймаслик учун ушбу Низомда, битимларда ва битимларни амалга ошириш учун қабул қилинган бошқа ҳужжатларда қўлланиладиган барча атамалар ва тушунчалардан бир хил тарзда фойдаланилиши керак.

4. Ушбу Низом инвесторга, шунингдек операторга ёки инвестор томонидан вакил қилинган бошқа шахсга (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) жорий этилади ва буюртмачига пудратчиларни (етказиб берувчиларни) танлашда ва контрактлар тузишда фақат танловларнинг малака, техник ва иқтисодий натижаларига асосланиб ҳолисона қарорлар қабул қилиш имкониятини беради, бу танловнинг инвестор ва (ёки) буюртмачини талаб этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар билан таъминлашга қодир бўлган ҳар бир иштирокчисига танловда қатнашиш учун тенг имконият беради.

5. Инвестор ва (ёки) буюртмачи товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга танловларни ўтказишда қуйидаги асос бўлувчи шартларга амал қилади:

таклифларнинг кўп вариантлилиги — бир неча пудратчилардан (етказиб берувчилардан) таклифларнинг бир вақтда олинishi ва қиёсланиши;

адолатли бозор нархи — шу жумладан фойдаланиш харажатлари қийматини (истеъмол қилинадиган қиймат, энергия ресурслари қиймати, техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) ўз ичига оладиган контрактларнинг муқобил бозор нархини таъминлаш;

товарлар, ишлар ва хизматлар сифати — белгиланган техник топшириқлар ёки товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб берилишига қўйиладиган талаблар билан белгиланган сифат ва техник параметрларга мувофиқ товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш товар қиймати қўшимча равишда кўпайтирилиши ҳисобига инвестор ва буюртмачи томонидан тақдим этиладиган талаблардан ортиқ бўлган таклифлар танлов шартларига мувофиқ сифатида қаралиши мумкин эмас;

фойдаланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналар билан мослик — сотиб олинладиган товарлар, ишлар ва хизматлар имкони борича уларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш харажатларини пасайтириш мақсадида инвестор ва буюртмачи томонидан фойдаланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналар билан мос бўлиши керак;

техника хавфсизлиги, соғлиқни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш — товарлар, ишлар ва хизматларнинг индивидуал тавсифлари инвестор ва буюртмачининг нефть ва газ саноати соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, саноат хавфсизлигини таъминлаш халқаро амалиётда қўлланиладиган умумий стандартларга, техника хавфсизлигига, соғлиқ ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга асосланладиган талабларга тўлиқ ҳажмда мувофиқ бўлиши керак. Бунда товарларнинг қийматини пасайтириш

ёки сотиб олиш муддатларини камайтириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш товарлар, ишлар ва хизматлар тавсифларини бундай стандартлар талабларидан паст бўлган пасайтириш ҳисобига амалга оширмаслиги керак;

суғурта — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва битимлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш жараёнида инвестор ва буюртмачининг мулкӣ манфаатларини ва бошқа манфаатларини суғурта қилиш;

қонун ҳужжатларига риюя қилиш — инвестор ва буюртмачининг товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга контрактларни тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича фаолияти битимлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширилиши керак;

танлов қатнашчисининг ишончилиги — пудратчилар (етказиб берувчилар) амалий нуфуз, иш тажрибаси, контракт мажбуриятларини бажариш ва уларни тавсифлайдиган бошқа фазилатларга нисбатан инвестор ва буюртмачининг талабларига мувофиқ бўлиши шарт;

маҳаллий пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг қатнашиши — инвестор ва буюртмачи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини ва зарур товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб беришга пудратчилар (етказиб берувчилар) сифатида Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларини жалб этиш бўйича битимларни бажариши шарт;

очиклик — инвестор ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига ва битимларга мувофиқ қатнашиш учун танловнинг барча қатнашчиларига тенг шарт-шароитлар яратган ҳолда товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга танловларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ўз фаолияти очиклигини таъминлайдилар;

самарадорлик — инвестор ва буюртмачи товарлар, ишлар ва хизматлар харидининг максимал даражада тежамкорлиги ва самарадорлигини таъминлайдилар.

II. Харид эҳтиёжларини белгилаш ҳамда товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга талабларни расмийлаштириш

6. Товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш учун буюртмачи харид эҳтиёжларини белгилайди.

Агар бунда инвестор ва буюртмачи:

бу давр мобайнида харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлардан фойдаланиладиган (бажариладиган) вақт даврини белгилаш;

бундай товарлар, ишлар ва хизматлар спецификациясини тузиш;

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажмини физик миқдорларда белгилаш;

товар етказиб бериш жадвалларини ёки ишлар ва хизматларни бажариш жадвалларини тузиш;

харид қилинадиган товарларнинг техник ва фойдаланиш тавсифларини бериш ёки бажариладиган ишлар ва хизматларнинг батафсил баёни ва хусусиятини кўрсатиш имкониятига эга бўлса инвестор ва буюртмачининг товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи молиялаштириш билан таъминланганлиги харид эҳтиёжлари ҳисобланади.

Ой, йил чораги, ярим йиллик ва бир йил тавсия этиладиган вақт даврлари ҳисобланади. Бунда буюртмачи бу даврда юқорида санаб ўтилган позицияларни белгилаш имконияти мавжуд бўлган узокроқ вақт даврига устунлик бериши керак.

Технологиялар ўзгариши (масалан, офис техникаси, дастурий таъминлаш сингари) муносабати билан ривожланиш ва модернизация қилишнинг юқори суръатлари билан боғлиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича, шунингдек қиймати пудратчи (етказиб берувчи)га боғлиқ бўлмаган сабаблар билан ўзгарган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишда қисқароқ вақт даврларини қабул қилиш тавсия этилади.

Харид эҳтиёжлари ушбу Низомнинг III ва IV бўлимларида кўрсатилган тузиладиган контрактлар қийматининг энг паст бўлган чегараларини камайтириш мақсадида бўлиниши мумкин эмас. Ушбу талаб товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишнинг барча шакллариغا, шу жумладан харид қилишга, бўлиб-бўлиб харид қилишга, ижарага, лизингга ва ҳоказоларга чекланмасдан жорий этилади.

7. Бошқарувчи кўмита томонидан тасдиқланган йиллик иш дастурига ва бюджетга киритилган харид эҳтиёжларига мувофиқ буюртмачи товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга талабни тайёрлайди.

Талаб буюртмачининг белгиланган намунавий шакли бўйича расмийлаштирилади ва буюртмачининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

8. Талабда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак:
талабнинг тартиб рақами (буюртмачи томонидан берилади);
унинг учун талаб ёзиладиган объектнинг номи ва унинг бухгалтерия шифри;

буюртмачининг бўлинмаси номи;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг мўлжалланаётган санаси;

товарнинг зарур сони ёки ишлар ва хизматлар ҳажми;

товарларни етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш жойи;

товарнинг зарур истеъмол хоссалари тавсифи ва номи, шунингдек стандартларга, техник шартларга, ТИФ ТН кодига ва ҳоказоларга ҳавола қилган ҳолда, ишларни, хизматларни бажаришга қўйиладиган талаблар;

ишлар ва хизматларни бажариш учун зарур бўлган товарларнинг тўлиқ тавсифи (зарур бўлганда);

ишлар ва хизматларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирликнинг смета қиймати, шунингдек ҳар қайси позиция бўйича умумий қиймат (мавжуд бўлганда);

буюртмачининг бюджети бўйича товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати тавсифи (мавжуд бўлганда);

буюртмачининг тегишли таркибий бўлинмаси раҳбарининг номи ва имзоси, талабни тайёрлаш санаси;

талабни тасдиқлаган буюртмачи раҳбарининг номи ва имзоси, тасдиқлаш санаси;

бошқа исталган зарур ахборот (буюртмачининг потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) талаби, ишларни бажариш учун буюртмачининг асбоб-ускуналарга қўядиган талаби, бундай товарлар, ишлар ва хизматларга олдинги талаблар, лойиҳалар ва чизмалар, товар унга мўлжалланган ёки ишлар бажариладиган туманнинг иқлим хусусиятлари ва ҳоказолар).

9. Буюртмачи ушбу Низомга мувофиқ талаб асосида зарур товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишни ташкил этиш ишларини бошлайди.

III. Танлов бўйича танлаш натижаларига кўра товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш

10. Битта контракт бўйича йигирма беш минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлган суммадаги товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш буюртмачи томонидан танлов ўтказмасдан амалга оширилади.

11. Контрактнинг мўлжалланаётган умумий суммаси эквивалентда йигирма беш минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган, бироқ юз минг АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ харидлар танлов бўйича танлаш натижаларига кўра буюртмачи томонидан контракт олинишига камида уч талабгорга (улар мавжуд бўлган тақдирда) тижорат таклифлари сўровини юбориш ва камида икки нафар талабгордан тижорат таклифларини ўрганиб чиқиш буюртмачи томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотлари асосида амалга оширилади, ушбу Низомнинг VI бўлимида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда контрактларни пудратчиларга (етказиб берувчиларга) бериш танлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга талаблар асосида тайёрланган тижорат таклифлари сўровида қуйидагилар бўлиши керак:

а) умумий маълумотлар, шу жумладан:

улар бўйича контракт тузилиши зарур бўлган товарнинг тавсифи, ишлар ва хизматларнинг тури, шу жумладан товарнинг ёки ишлар ва хизматлар турларининг зарур техник тавсифлари, уларнинг тавсифи ва сифатини акс эттирадиган нормативлар ва стандартлар;

товарнинг талаб қилинадиган миқдори ёки ишлар ва хизматлар ҳажми; етказиб бериладиган пунктнинг батафсил номи;

тўлов шартлари (агар тўлов шартлари буюртмачи томонидан белгиланса);

талаб қилинадиган сертификация;

товар қачон олиниши, ишлар ва хизматлар бажарилиши кўрсатилган жадвал;

ишга учинчи томонларни (субпудратчиларни) жалб этиш зарурлиги ва шартлари;

менежмент ва назоратнинг афзал методи;

исталган бошқа зарур ахборот (пудратчига (етказиб берувчига) қўйиладиган талаблар, ишларни бажариш учун асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар, лойиҳалар ва чизмалар; товарлар унга мўлжалланган ва ишлар бажариладиган туманнинг иқлим хусусиятлари ва ҳоказолар);

тижорат таклифини тақдим этиш зарур бўлган муддат;

б) етказиб бериш шартларини сўраш, шу жумладан:

товарлар, ишлар ва хизматларнинг умумий суммаси;

товарлар, ишлар ва хизматлар бирлиги нархи;

транспортда ташиш нархи;

суғурта қиймати;

тўлов валютаси;

тўлов шартлари (агар тўлов шартлари буюртмачи томонидан белгиланмаса);

ИНКОТЕРМСга мувофиқ етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддати;

исталган бошқа зарур ахборот (фойдаланишнинг талаб қилинадиган шартлари, товарлар ва ишларга кафолатли муддат, товарларнинг хизмат қилиш муддати, истеъмол қилинадиган қувват (ёки бошқа фойдаланиш харажатлари) эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўйича омборхона мавжудлиги, буюртмачи фаолият кўрсатадиган минтақада товарга кафолатли ва кафолат давридан кейин хизмат кўрсатиш бўйича сервис марказлари, ўраб-жойлаш шакли, товарнинг габаритлари, оғирлиги ва ҳоказолар);

тижорат таклифининг амал қилиш муддати.

12. Тижорат таклифлари сўрови фақат кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ товарларни етказиб беришга, ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга қодир бўлган потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) юборилади.

13. Потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар) тижорат таклифлари сўровига мувофиқ ахборот мавжуд бўлган тижорат таклифларини расмийлаштирадилар ва буюртмачига юборадилар.

Тижорат таклифларини бериш муддати тамом бўлган пайтдан бошлаб беш календарь кун мобайнида буюртмачи эксперт комиссиясини ташкил этади. Эксперт комиссияси тушган тижорат таклифларини кўриб чиқади ва тижорат варақаси тузади, унга:

етказиб бериш муддатлари;

тўлов шартлари;

кафолат муддатлари;

техник-иқтисодий параметрлардаги фарқлар;

етказиб бериш базиси;

бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда баҳолаш баллари киритилади.

Кўриб чиқиш яқунлари эксперт комиссияси мажлисининг протоколи билан расмийлаштирилади. Протоколга рақобат варағи қўшиб қўйилади. Эксперт комиссияси мажлисининг протоколида пудратчини (етказиб берув-

чини) танлаш бўйича ишлаб чиқилган асосланган тавсиялар акс эттирилади. Назорат варағи ва эксперт комиссияси мажлисининг протоколи комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Эксперт комиссияси мажлисининг протоколини, шунингдек пудратчилар (етказиб берувчиларнинг) тижорат таклифлари нусхаларини ўз ичига олган тайёрланган хужжатлар кўриб чиқиш учун танлов комиссиясига тақдим этилади. Танлов комиссияси тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб эксперт комиссиясининг ёлиб чиққан тижорат таклифини эътироф этиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик тўғрисида қарор қабул қилади ёхуд бошқа қарорни қабул қилади, бу ҳақда танлов комиссияси мажлисининг протоколи тузилади. Протокол танлов комиссиясининг мажлисида ҳозир бўлган аъзолари томонидан имзоланади. Бунда контракт энг кўп баҳолаш бали олган пудратчига (етказиб берувчига) берилади. Бир неча пудратчилар (етказиб берувчилар) таклифларининг баҳолаш баллари тенг бўлган тақдирда контракт маҳаллий пудратчига (етказиб берувчига) берилади. Танлов комиссиясининг пудратчини (етказиб берувчини) танлашни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлган протоколи буюртмачи учун контракт лойиҳасини тайёрлаш ва пудратчилар (етказиб берувчилар) билан музокаралар олиб боришга асос бўлиб хизмат қилади. Контрактни имзолаш битимга ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ буюртмачи томонидан тасдиқланадиган шартномаларни тайёрлаш, келишиш, рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

14. Қўйидаги ҳолларда, агар:

тижорат таклифларини бериш муддати тамом бўлиш вақтига келиб иккитадан кам таклиф тушса, танлов бўйича танлаш ёлибни позициялар бўйича аниқлаган ҳолда ўтказилган тақдирда фақат улар бўйича иккитадан кам тижорат таклифи тушган позицияларга нисбатан;

тушган барча тижорат таклифлари тижорат таклифлари сўрови шартларига мувофиқ бўлмаса танлов бўйича танлаш ўтказилмаган деб эълон қилинади.

15. Буюртмачи танлов бўйича танлаш қатнашчиларига танлов комиссияси томонидан тасдиқланган танлов бўйича танлаш натижаларини, тижорат таклифларидан четга чиқиш ва контракт танлов бўйича танлаш ёлибига берилиши сабабларини тушунтиришга мажбур эмас.

IV. Танлов савдолари натижалари бўйича товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш

16. Мўлжалланаётган умумий қиймати юз минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишга контрактлар танлов комиссияси томонидан танлов савдолари натижалари бўйича берилади, ушбу Низомнинг VI бўлимида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

17. Танлов савдоларини тайёрлашда буюртмачи танлов савдоларини ўтказиш шакли тўғрисида қарор қабул қилади.

Танлов савдолари:

очиқ шаклда (оммавий ахборот воситаларида эълон қилган ҳолда);

ёпиқ шаклда (оммавий ахборот воситаларида эълон қилмасдан) ўтказилиши мумкин.

Ёпиқ танлов савдолари товарлар, ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сонига етказиб берилиши ёки бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ўтказилиши мумкин. Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор ваколатли органга (нусахаси — инвесторга) юборилган ва танлов савдолари қатнашчиларининг тахмин қилинаётган рўйхати мавжуд бўлган хат асосида ваколатли орган билан келишган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади. Агар ваколатли орган бундай хат олинган санадан бошлаб ўн календарь кун мобайнида эътироз билдирмаса, ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор ваколатли орган билан келишилган деб ҳисобланади. Ваколатли орган ва инвестор бундай ёпиқ танлов савдоларининг тахмин қилинаётган қатнашчилари рўйхатини тўлдириш ҳукукига эга. Ваколатли орган ёпиқ танлов савдолари ўтказилишига эътироз билдирган тақдирда ёпиқ танлов савдолари ўтказилмайди.

Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари:

а) ўтказилган дастлабки малака танлови ёки дастлабки малака танловисиз;

б) бир босқичда ёки икки босқичда;

в) лотларга бўлиб ёки лотларга бўлмасдан;

г) ошкора (танлов савдолари натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилган ҳолда) ёки ноошкора (оммавий ахборот воситаларида эълон қилмаган ҳолда) ўтказилиши мумкин.

18. Танлов савдолари ўтказишда товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишга қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишга танлов ҳужжатлари ушбу Низом асосида буюртмачи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Танлов ҳужжатлари умумий, техник ва тижорат қисмларидан ва контрактнинг шаклидан иборат бўлади.

Умумий қисм:

а) танлов савдоларида қатнашишга таклифномани;

б) танлов савдолари қатнашчиларига йўриқномани ўз ичига олади, унда қўйидагилар мавжуд бўлади:

танлов савдолари ўтказилишига нисбатан тушунтириш олиш мумкин бўлган танлов комиссияси ишчи органи вакилининг манзили ва у билан алоқа боғланадиган телефонлар;

танлов комиссиясининг номига юбориладиган танлов таклифлари нусхалари сони ҳақидаги кўрсатма;

танлов таклифини расмийлаштириш тартиби ва уни визалашга қўйиладиган талаблар;

танлов таклифи танлов комиссияси қатнашчиларига тақдим этилган-

дан кейин танлов таклифига ўзгартиришларни киритиш ва расмийлаштириш тартиби;

нарх ва валютани такдим этиш бўйича кўрсатма;

танлов таклифини танлов комиссиясига бериш тартиб-қондасига қўйиладиган талаблар;

кайд этилган вақт даври мобайнида танлов савдолари қатнашчисининг танлов таклифига жавоб берилмаслигини кафолатлайдиган танлов таклифини таъминлаш миқдори, киритиш ва қайтариш тартиби;

буюртмачининг хоҳиши бўйича — танлов савдолари натижалари бўйича тузилган контракт бажарилишини таъминлаш миқдори, киритиш ва қайтариш тартиби;

танлов ҳужжатлари талабларига асосланган таклиф билан биргаликда танлов савдолари қатнашчиларига қарама-қарши таклифлар такдим этиш имкони тўғрисидаги маълумотлар;

танлов савдолари қатнашчисининг далилланган илтимоси мавжуд бўлган тақдирда танлов савдоларини ёпиш санасини кўчириш имконияти ҳақидаги кўрсатма;

ўтказиладиган танлов савдолари доирасида тузиладиган исталган ҳужжатларнинг махфийлигига ҳавола;

таклифлар билдирилган конвертларни очиш тартиб-қондаси баёни ва танлов комиссияси ғолибини аниқлаш муддати.

Техник қисм танлов савдолари предметига (қуриш, реконструкция қилиш, лойиҳалаштириш, материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш ва ҳоказолар) боғлиқ равишда ишлаб чиқилади.

Тижорат қисми қўйидагилардан иборат бўлади:

танлов савдолари предмети нархи, уни аниқлаш тартиби;

ишлар (хизматлар)ни бажариш ва (ёки) товарни етказиб бериш шартлари;

молиялаштириш манбалари шартлари;

танлов савдолари предметини сотиш муддати.

Танлов савдолари предметига боғлиқ равишда танлов ҳужжатларининг тижорат қисмига тузатишлар киритилиши мумкин.

Контрактнинг шакли қўйидагилар юзасидан:

контрактнинг халқаро савдо ҳуқуқининг қабул қилинган нормаларига мувофиқлиги;

контрактнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан контрактларга қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак.

19. Очiq танлов савдолари ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилгунгача ёки якуний рўйхатга кирган танлов савдолари қатнашчиларига танлов савдоларида қатнашиш учун таклифномалар жўнатишгунга қадар буюртмачи томонидан баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва у танлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

20. Қоидага кўра, танлов савдолари қатнашчисининг буюртмачининг товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб бериш билан боғлиқ талабларини

қондириш имкониятини тавсифлайдиган танлов савдолари қатнашчисининг профессионал яроқлилиги, шу жумладан:

танлов савдолари қатнашчисининг молиявий ахволи;
халқаро иш тажрибасига эга эканлиги;
техника билан жиҳозланганлиги (таъминланганлиги);
минтақавий инфратузилма мавжудлиги;

буюртмачи учун ишларни бажарадиган пудратчи (етказиб берувчи) ва (ёки) унинг субпудратчилари ходимларининг касбий даражаси;
саноат хавфсизлиги нормаларига, меҳнатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга риоя қилиш;

тақдим этиладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг сертификацияси ва сифати техник баҳолашнинг мезони бўлиб хизмат қилади.

21. Қоидага кўра:

товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати ва уларнинг асосланганлиги;
товарларни етказиб бериш, ишлар ва хизматларни тақдим этиш жадвали;

тўловлар шартлари ва жадвали;

фойдаланиш харажатларини пасайтириш бўйича муқобил таклиф;

танлов савдоларининг ушбу қатнашчиси таклифи қабул қилинган тақдирда ишларни лойиҳалаштириш ва бажариш давомида буюртмачининг кўшимча чиқимлари тижоратга оид баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

22. Объектларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун пудратчиларни аниқлаш бўйича танлов савдолари фақат ушбу объектлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасининг ижобий хулосасини олган лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда ўтказилиши мумкин.

Агар объектларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж ишларини олиб боришга танлов савдолари ўтказиш доирасида дастлабки малака танлови амалга оширилган тақдирда, буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларига мажбурий давлат экспертизасининг ижобий хулосаси олингунга қадар дастлабки малака танловини ўтказиш ҳуқуқига эга.

23. Танлов савдоларини олдиндан тайёрлаш босқичида буюртмачи томонидан вақтнинг ушбу даврида буюртмачининг танлов савдолари предмети ҳисобланган товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб бериш бўйича талабларини қондириш учун потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг реал техник ва молиявий имкониятларини аниқлаш мақсадида бозор маркетинг жиҳатидан тадқиқ этилади ва потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг имкониятлари баҳоланади.

Буюртмачи потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг имкониятларини баҳолашни пудратчи (етказиб берувчи) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар асосида амалга оширади:

хўжалик фаолияти тури (саноат, савдо, транспорт-экспедиторлик, инжиниринг ва ҳоказо);

акциядорлик капиталининг миқдори, унинг акциялар мулкдорлари ўртасида тақсимланиши, акциялар назорат пакетининг тегишлилиги;

бизнеснинг жорий ҳолати: активлар миқдори, айланма маблағлар, ходимлар сони, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳоказолар;

ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар турлари, ихтисослашув йўналишлари ва ҳоказолар;

буюртмаларга давлат ва банк кафолатлари олиш имконияти;

нуфузи ва халқаро бозордаги иш тажрибаси;

молиявий ҳолати;

маҳсулот сифатини текшириш усуллари;

техник асбоб-ускуналарнинг ҳолати;

энергия ресурслари, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш;

омборга жойлаштириш, ўраш-жойлаш, сақлашни ташкил этиш;

квоталар, лицензиялар;

ўзаро ҳисоб-китобларни эркин муомаладаги валютада амалга ошириш учун банкларда валюта ҳисоб рақамлари мавжудлиги.

Юқорида санаб ўтилган маълумотлар олингандан ва ўрганиб чиқилгандан кейин буюртмачи танлов комиссияси учун аниқ пудратчиларни (етказиб берувчиларни) танлов савдоларида қатнашишга жалб этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича тавсияларни шакллантиради. Буюртмачи тегишли малака талабларига мувофиқ бўлган пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг энг кўп сони танловда қатнашиш учун жалб қилинишига интилиши керак.

24. Бозорнинг маркетинг тадқиқотлари натижалари, потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг реал техник ва молиявий имкониятларини, буюртмачи ва инвесторларнинг ўзаро дахлдор компанияларнинг ушбу пудратчилар (етказиб берувчилар) иш тажрибасини ўрганиш бўйича уларнинг товарлар, ишлар ва хизматлар аниқ турларини бажариш ва етказиб бериш бўйича имкониятлари, етказиб бериладиган товарлар, ишлар ва хизматлар сифати ҳамда контракт мажбуриятларини бажариш интизоми кўрсатилган ҳолда потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар) бўйича маълумотларнинг ҳолисона базаси тузилади.

Танлов комиссияси малака танлови босқичида, агар маълумотлар базаси асосида танлов савдолари қатнашчиси буюртмачи томонидан танлов савдоси қатнашчисига қўйиладиган талабларга жавоб бермайдиган сифатида аниқланган бўлса, танлов савдолари қатнашчисининг танлов таклифни рад этиш ҳуқуқига эга.

25. Танлов савдоларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёхуд уни рўйхатдан ўтказган мамлакат қонунчилигида танлов савдоларида қатнашиши тақиқланмаган ва танлов ҳужжатларида кўрсатилган буюртмачининг талабларини қониқтирадиган юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин.

26. Танлов савдоларида алоҳида ташкилот ёки икки ёки ундан ортиқ шериклардан иборат бўлган консорциум, агар у қуйидаги талабларни бажарса, қатнашиши мумкин:

а) танлов ҳужжатларида назарда тутилган барча шерикларга татбиқан

ҳужжатларни, шу жумладан консорциум шериклари ўртасидаги битимни тақдим этади;

б) консорциум аъзоларидан бирини етакчи шерик этиб тайинлайди, у барча ваколатларга, шу жумладан контрактлар тузиш ваколатига эга бўлиши, мажбуриятлар олиши ва исталган шерикнинг ва биргаликда барча шерикларнинг топшириғи бўйича улар номидан ва топшириғи бўйича кўрсатма олиши керак;

в) барча шериклар биргаликда ва алоҳида контракт шартларига мувофиқ контракт бажарилиши учун жавоб беради, бунда контракт бажарилиши учун умуман етакчи шерик жавоб беради;

г) контрактни бажариш бўйича барча хатти-ҳаракатлар, шу жумладан тўлов ва контрактни бажариш чоғида пайдо бўладиган низоларни ҳал этиш фақат етакчи шерик томонидан содир этилади;

д) консорциум шериклари ўртасидаги битим шундай тузилиши керакки, унда қуйидагилар аниқ кўрсатилган бўлиши лозим:

контракт бажарилиши учун шерикларнинг жамоавий ва якка тартибдаги жавобгарлиги қабул қилиниши бўйича мажбуриятлар;

консорциум хатти-ҳаракатини тартибга соладиган барча чекловлар;

ҳар бир қатнашчи томонидан бажарилган ишлар ҳажми ва турлари;

контрактни бажаришда шериклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга тегишли барча масалаларнинг тартибга солинганлиги;

етақчи шерикка консорциум номидан иш кўриш ваколатлари берилиши.

27. Танлов савдолари мақсадлари учун пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг малака танлови ўтказилиши мумкин. Малака танлови пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг дастлабки малака танлови шаклида ўтказилиши мумкин, ёхуд танлов савдоларининг биринчи босқичига қўшиб ўтказилиши мумкин.

28. Очиқ танлов савдолари ўтказилган тақдирда дастлабки малака танлови тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида берилади. Эълон чиққан сана бундай очиқ танловлар эълон қилинган сана ҳисобланади.

29. Агар буюртмачи томонидан ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган тартибда ваколатли орган билан келишув бўйича ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинса, у ҳолда буюртмачи томонидан маълумотлар базаси ва бозорнинг маркетинг тадқиқотлари асосида ушбу Низомнинг 23 — 25-бандларида назарда тутилган тартибда дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар рўйхати тайёрланади ва тасдиқланади. Талабгорлар рўйхати тузилгандан ва танлов комиссияси тасдиқлагандан кейин буюртмачи барча талабгорларга дастлабки малака танловида қатнашиш тўғрисидаги таклифномани, тўлдириш учун белгиланган намунадаги зарур шаклларни ва танлов комиссиясига тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини юборади.

30. Буюртмачи томонидан бундай дастлабки малака танловида қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар дастлабки малака танлови қатнашчилари томонидан тайёрланиши ва тақдим этилиши учун ажра-

тиладиган муддат зарур маълумотларни тайёрлаш учун етарли бўлиши, бироқ ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

31. Талабгорлар дастлабки малака танловида қатнашиш учун юборилган таклифномада белгиланган муддат мобайнида буюртмачига тўлдирилган шаклларни ва малака танловида қатнашиш учун юборилган таклифномада мавжуд бўлган рўйхат бўйича ҳужжатларнинг нусхаларини юборадилар.

32. Талабгорлардан дастлабки малака танлови учун олинган ҳужжатларни таҳлил қилиш ва ўрганишни танлов комиссияси томонидан тайинланган эксперт комиссияси амалга оширади. Бунда танлов предмети ҳисобланган буюртмаларни бажаришда пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг ваколатларини, тажрибаси ва ишончилигини тасдиқлайдиган қуйидаги ҳужжатлар ва кўрсаткичларни ўрганиш ва текширишга алоҳида эътибор берилади:

пудратчи (етказиб берувчи)нинг молиявий аҳволи;

пудратчи (етказиб берувчи)да амалга оширилишига лицензиялар, рухсатномалар, йўл қўйишлар, сертификатлар талаб қилинадиган ишлар турларига ана шундай лицензиялар, рухсатномалар, ижозатномалар, сертификатлар ва ҳоказолар мавжудлиги;

пудратчи (етказиб берувчи)нинг халқаро бозордаги иш тажрибаси;

пудратчи (етказиб берувчи) томонидан танловга қўйилган контрактларга ўхшаш контрактлар бўйича бажарилган етказиб беришлар ва ишлари ҳажми;

пудратчи (етказиб берувчи)нинг товарлари, ишлари ва хизматлари истеъмолчилари рўйхати, шунга ўхшаш контрактлар бўйича уларнинг реқвизитлари кўрсатилган ҳолда;

товарларни тайёрлаш ва ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган технологик асбоб-ускуналарнинг ҳолати;

пудратчи (етказиб берувчи) ва (ёки) унинг субпудратчилари ходимларининг малакаси;

пудратчи (етказиб берувчи)нинг буюртмачини қониқтирадиган сифат ва муддатларда товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш лаёқати;

маҳсулот ва ишлар сифатини назорат қилиш учун пудратчилар (етказиб берувчилар) томонидан фойдаланиладиган усуллар, технологиялар ва асбоб-ускуналар;

пудратчилар (етказиб берувчилар) томонидан контрактлар бажарилишини таъминлаш сифатида буюртмачи учун мақбул бўлган кафолатлар берилиши имконияти;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилишга тайёрлик;

Ўзбекистон Республикасидаги иш тажрибаси;

ишга маҳаллий пудратчилар (етказиб берувчилар)ни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жалб этишга ва уларнинг малакасини оширишга тайёрлик;

саноат хавфсизлиги, меҳнатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ва миллий стандартлар талабларига ва талабларга риоя этиш;

бошқа ҳужжатлар ва кўрсаткичлар.

33. Танловда қатнашишга қайта ташкил этиш (қўшиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта ўзгартириш), тугатиш ёки банкротлик босқичида турган потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар) қўйилмайди.

34. Танлов савдолари қатнашчилари манфаатлар низоси мавжудлиги аниқланган тақдирда улар танловдан чиқарилиши мумкин.

Агар танлов савдоларининг айрим қатнашчилари қуйида санаб ўтилган шартларнинг биттасига ёки бир нечтасига жавоб берган тақдирда, манфаатлар низоси мавжудлиги белгиланган деб ҳисобланади:

а) ушбу қатнашчиларнинг назорат пакетларига эгалик қиладиган умумий акциядорлар мавжуд;

б) қатнашчиларнинг исталган биридан тўғридан-тўғри ёки билвосита пул маблағлари оладилар ёки олдилар;

в) танлов савдолари маълумотлари бўйича аynи бир вакилга эга;

г) бир-бирлари билан уларни улар бошқа қатнашчининг танлов таклифи тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ёки бундай таклифга таъсир кўрсатиши ёки ушбу танлов савдолари билан боғлиқ буюртмачининг қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўладиган ҳолатга тушириб қўядиган ўзаро муносабатларга, тўғридан-тўғри ёки умумий учинчи томон орқали муносабатларга эга.

Қатнашчи фақат битта танлов таклифи бериши мумкин. Агар у биттадан ортиқ танлов таклифи берса ёки бир нечта танлов таклифларида қатнашса (субпудрат бундан мустасно), унинг иштирокидаги барча танлов таклифлари рад этилади.

35. Талабгорларни баҳолашнинг якуний ҳужжати танлов қатнашчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича эксперт комиссияси мажлисининг протоколи шаклида тузилади ва у қуйидаги умумлашмаларни ўз ичига олади:

потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар) тўғрисидаги маълумотлар;

пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг жавобларини баҳолашнинг йиғма жадвали;

танлов қатнашчилари рўйхатига киритиш учун тавсия қилинадиган потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар) ва танлашга таъсир кўрсатган омиллар;

танлов қатнашчилари рўйхатига кирмаган потенциал пудратчилар (етказиб берувчилар) рад этилиши сабабларини асослаш;

36. Эксперт комиссиясининг дастлабки малакали танлов тўғрисидаги протоколи ва танлов қатнашчилари рўйхати танлов комиссияси мажлисида тасдиқланади.

37. Дастлабки малака танловида қатнашган барча талабгорларга унинг натижалари тўғрисидаги билдиришнома юборилади.

38. Буюртмачи потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) уларнинг дастлабки малака танловидан ўтмаганлик сабабларини тушунтириб беришга мажбур эмас.

39. Малака танлови танлов савдоларининг биринчи босқичи билан бирга

ўтказилган тақдирда танлов қатнашчилари малакасини баҳолаш натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш ушбу Низомнинг 32 — 38-бандларида назарда тутилган тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади.

40. Танлов савдолари пудратчини (етказиб берувчини) танлаш бўйича қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади. Танлов савдолари қатнашчилари сони икки нафардан кам бўлиши мумкин эмас. Уларнинг ҳаммаси буюртмачининг талабига жавоб бериши ҳамда танлов савдоларида қатнашишга ҳам, контрактни бажаришга ҳам тайёр эканлигини намоён қилишлари керак. Танлов савдолари қатнашчиларининг якуний рўйхати малакали танлаб олиш натижалари бўйича шакллантирилади ва танлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Бунда танлов савдолари қатнашчиларининг якуний рўйхатига фақат шундай малакали танлаб олишдан ўтган талабгорлар киритилиши керак.

41. Буюртмачи томонидан танлов савдолари қатнашчиларига танлов таклифларини тайёрлашга ва беришга ажратиладиган муддат эълон чоп этилган ёки товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан танловда қатнашишга таклифнома жўнатилган (ёпиқ танлов савдолари ўтказилган ҳолларда) кундан бошлаб камида ўттиз календарь кунни ташкил қилиши керак. Йирик ёки мураккаб товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан ушбу муддатлар буюртмачи томонидан тўқсон ва ундан кўп календарь кунгача узайтирилиши мумкин.

42. Танлов таклифларининг амал қилиш муддатлари ва буюртмачи томонидан белгиланадиган сотиб олиш муддатларидан танлов ҳар қандай қатнашчисига нисбатан камситиш мақсадларида фойдаланилмаслиги керак. Фавқулодда ҳоллардагина танлов комиссияси танлов қатнашчиларига улар берган танлов таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтиришни тавсия этиши мумкин. Ўз таклифининг амал қилиш муддатини узайтиришга рози бўлган танлов қатнашчиси ўз танлов таклифининг мазмунига ва моҳиятига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эмас, лекин танлов таклифи таъминланишининг амал қилиш муддатини узайтириши керак. Ўз таклифининг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этган танлов қатнашчиси танлов таклифи бўйича берилган таъминлаш ҳуқуқини йўқотмайди.

43. Қатнашчидан очиқ танлов савдоларида қатнашиш юзасидан буюртманомани олингандан кейин, дастлабки малака танлови ўтказилган тақдирда эса — танлов савдолари қатнашчиларининг якуний рўйхати тасдиқлангандан кейин буюртмачи уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифномани ва танлов ҳужжатлари пакетини юборади. Танлов савдолари қатнашчилари танлов ҳужжатларида кўрсатилган муддат мобайнида ўзининг танлов таклифларини танлов ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрлайди ва буюртмачига юборади.

44. Ёпиқ танлов савдолари ўтказилган тақдирда буюртмачи аниқ талабгорларни танлов савдоларида қатнашишга таклифномани юбормаслик ёки қайтариб олиш тўғрисидаги асосланган қарорни танлов таклифлари бериш

учун танлов ҳужжатларида белгиланган вақтнинг ярми ўтишидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилишга ҳақлидир. Бунда ваколатли органнинг тавсиясига кўра бундай танлов савдоларининг мўлжалланаётган қатнашчилари варақасига киритилган талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга таклифномани ваколатли орган билан олдиндан келишиб олмасдан юбормаслигига ёки қайтариб олишига йўл қўйилмайди.

45. Буюртмачи танлов таклифларини бериш муддати ўтгунгача танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни, улар тўғрисида танлов қатнашчиларини дарҳол хабардор қилган ҳолда, зарурият бўлганда, танлов қатнашчилари томонидан ўзларининг танлов таклифларига тузатишлар киритиши учун етарли бўлган вақтга танлов таклифлари бериш муддатини узайтирган ҳолда киритишга ҳақлидир.

46. Танлов савдолари қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эълон қилинади:

танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган вақтгача иккитадан кам танлов таклифи тушган тақдирда. Агар танлов савдолари лотларга тақсимлаган ҳолда ўтказилса, танлов савдолари улар бўйича иккитадан кам танлов таклифи тушган лотларга нисбатангина ўтказилмаган деб эълон қилинади;

тушган барча танлов таклифлари танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаган тақдирда;

танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа вазиятлар пайдо бўлган тақдирда.

47. Танлов савдоларининг ўтказилмаган деб эълон қилиниши қатнашчилардан биронтасининг ҳам мулкӣ ёки бошқача тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

48. Агар танлов савдолари ўтказилмаган деб эълон қилинса, такрорӣ танлов савдолари ўтказилади, бунда танлов ҳужжатлари шартларининг қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади ёки ваколатли орган билан келишилган ҳолда товарлар, ишлар ва хизматлар танлов ўтказмасдан, ушбу Низомнинг VI бўлимида назарда тутилган тартибда сотиб олинади.

49. Танлов ҳужжатлари бўйича бирон-бир тушунтириш олиши, шу жумладан танлов таклифларини бериш муддатини узайтириш тўғрисида илтимос қилиши зарур бўлган танлов савдолари қатнашчиси танлов таклифларини бериш муддати тугашидан беш календарь кундан кеч бўлмаган муддатда бундай тушунтиришлар олиш учун танлов ҳужжатларида кўрсатилган манзиллар бўйича буюртмачига ёзма шаклда (хат, телеграмма, факс ёки электрон почта бўйича) мурожаат қилиши мумкин.

Буюртмачи кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикмай олинган сўровларни кўриб чиқади ва сўров муаллифи кўрсатилмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига жўнатиладиган ёзма жавоб беради.

50. Танлов савдолари қатнашчилари танлов савдолари предмети ёки унга йўриқномалар бўйича пайдо бўлиши мумкин бўлган саволларга тушунтиришлар ва жавоблар олиш мақсадида дастлабки учрашувга таклиф этилиши мумкин (агар бундай тартиб танлов ҳужжатлари шартларида назарда

тутилган бўлса). Бундай учрашувлар бўйича мажбурий равишда протокол расмийлаштирилиши керак.

Танлов савдолари қатнашчилари, имкониятга қараб, ўзларининг барча саволларини буюртмачи уларни белгиланган учрашувгача бир ҳафтадан кечикмай олиши учун ёзма равишда юбориши керак.

Берилган саволларнинг ва олинган жавобларнинг, шунингдек учрашувдан кейин тайёрланган барча жавобларнинг матнлари танлов савдоларининг танлов савдоларида қатнашишга таклифнома олишган барча қатнашчиларига тақдим этилади. Танлов ҳужжатларига ўтказилган учрашув натижаларида пайдо бўладиган тузатишлар киритишга буюртмачи томонидан савдолар қатнашчиларига албатта жўнатиш йўли билан йўл қўйилиши мумкин.

Овзаки ёки бошқача шаклда амалга оширилган, лекин савдолар қатнашчиларига билдиришнома тарзида юборилмаган аниқлаштиришлар, ўзгартиришлар, йўриқномалар юридик кучга эга бўлмайди ва танлов қатнашчиларининг эътирозлари учун асос бўлиши мумкин эмас.

51. Танлов савдолари қатнашчисининг дастлабки учрашувга келмаслиги унинг танлов савдосидан чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин эмас.

52. Танловни ўтказиш муддатлари ўзгарган тақдирда буюртмачи танловнинг барча қатнашчиларига ёзма шаклда тегишли билдиришнома юборади. Танлов қатнашчиси танлов таклифини муддатни бундай узайтириш буюртмачи томонидан эълон қилингунгача берган тақдирда у таклифни қайта кўриб чиқиш учун қайтариб олишга ҳақлидир.

53. Танлов таклифлари танлов қатнашчилари томонидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган манзил бўйича, танлов таклифларини қабул қилиб олиш тугайдиган сана ва вақтдан кечикмай юборилиши керак. Танлов таклифларини қабул қилиб олишнинг тугаши ва уларни очиш ўртасидаги вақт бир соатдан ошмаслиги керак. Танлов таклифларини беришнинг белгиланган муддатидан кечикиб тушган танлов таклифлари танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Потенциал пудратчи (етказиб берувчи) танлов таклифлари таркибида танлов ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда, лекин унинг танлов буюртманомасида кўрсатилган нархнинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда танлов таклифи таъминланишини тақдим этади. Бунда таъминланишнинг амал қилиш муддати танлов таклифи амал қиладиган муддатдан кам бўлиши мумкин эмас.

54. Танлов савдолари қатнашчиларидан олинган танлов таклифлари буюртмачи томонидан улар олинган санани ва вақтни кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказилиши керак. Танлов таклифини тақдим этиш санаси буюртмачининг почта жўнатмасини топшириш тўғрисидаги билдиришномасидаги ёзуви бўйича ёки чопарнинг тилхати (юк хати)да кўрсатилган вақт бўйича ёки ҳужжатларни қабул қилиб олиш реестрида кўрсатилган сана бўйича танлов савдолари қатнашчиси вакилининг имзоси мавжуд бўлганда — танлов таклифи бевосита етказиб берилган тақдирда аниқланади. Танлов таклифлари танлов ҳужжатларида кўрсатилган уларни очиш санасигача очилмаган ҳолда сақланади ва танлов савдоларини қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш учун жавоб берадиган буюртмачининг ходимидан ташқари

ҳар қандай шахснинг ундан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган жойда сақланади.

55. Ичида танлов таклифлари мавжуд бўлган конвертлар очилгандан кейин уларни сақланиши учун танлов комиссиясининг котиби ёки комиссия вакил қилган бошқа шахс жавоб беради.

56. Тушган танлов таклифлари пакетлари танлов комиссияси котиби томонидан танлов комиссияси аъзолари, буюртмачи иштирокида очилади ва танлов савдолари қатнашчиларининг ваколатли вакиллари томонидан ушбу очиб кўришда қатнашишни хоҳловчилар иштирокида, улар томонидан махфийлик талабларига риоя қилиш ва ўз иштирокини рўйхатдан ўтказиш дафтарида рўйхатдан ўтказиш шарти билан очилади. Тушган танлов таклифлари пакетларини очиш танлов ҳужжатларида белгиланган жойда ва вақтда амалга оширилади. Ҳар бир танлов таклифини очишда буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг танлов таклифида қатнашчи томонидан кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатига мувофиқлиги ўқиб чиқилади ва текширилади.

Таклифларни очишда бирорта ҳам таклиф рад этилиши мумкин эмас, кечикиб берилган таклифлар бундан мустасно, бундай таклифлар савдолар қатнашчисига очилмаган ҳолда қайтарилади.

57. Конвертларни очиш натижалари бўйича, ҳар бир танлов таклифининг белгиланган вақтда, санада олинганини ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилганини расмий равишда тасдиқлаш учун танлов комиссияси мажлисининг протоколи тузилади.

58. Танлов комиссиясининг қатнашган барча аъзолари танлов таклифларини очиш тўғрисидаги протоколни имзолаши керак. Бундай протоколнинг асл нусхаси сақлаш учун танлов савдолари буюртмачисига берилади.

59. Танлов таклифларини баҳолаш жараёни шундай тарзда амалга оширилиши керакки, бунда танлов савдолари қатнашчиларининг таклифларидан танлов савдолари шартларига ва буюртмачининг талабларига энг кўп жавоб берадиган таклифни аниқлаш мумкин бўлиши лозим. Танлов ҳужжатларида талаб қилинган ахборотларни тўлиқ тақдим этмаслик ёки танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган танлов таклифини бериш танлов комиссиясига танлов таклифини рад этиш ҳуқуқини беради. Танлов таклифларини баҳолаш таркиби танлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда танлов савдолари қатнашчилари танлов таклифининг умумий ва техник қисми, шу жумладан:

тақдим этилган ахборотларнинг танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўлиқлиги ва танлов таклифининг тасдиқланган баҳолаш мезонларига мувофиқлиги;

танлов таклифи таркибида келишилган вақт даври мобайнида танлов савдолари қатнашчиси танлов таклифининг қайтариб олинмаслигини кафолатлайдиган танлов таклифи таъминланишининг мавжудлиги баҳоланади.

Баҳолашнинг биринчи босқичи натижалари бўйича танлов таклифлари

фақат уларнинг танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмаслиги ёхуд танлов комиссияси томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонларига жавоб бермаслиги сабаби бўйича рад қилиниши мумкин.

Баҳолашнинг биринчи босқичи натижалари бўйича эксперт комиссияси томонидан протокол тузилади, унда қўйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

танлов таклифлари рад этилган танлов савдолари қатнашчисининг рўйхати ва ушбу танлов савдолари қатнашчилари танлов таклифларининг рад қилинганлик сабаблари;

танлов таклифлари баҳолашнинг иккинчи босқичига қўйилган танлов савдолари қатнашчиларининг рўйхати;

баҳолашнинг иккинчи босқичига қўйилган танлов савдолари биринчи босқичи баҳоларининг натижалари.

Иккинчи босқичда танлов савдолари қатнашчилари танлов таклифлари тижорат қисмининг баҳолаш мезонларига мувофиқлиги баҳоланади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичи натижалари бўйича эксперт комиссияси томонидан протокол тузилади, унда танлов савдолари қатнашчилари танлов таклифининг тижорат қисмини баҳолаш натижалари акс эттирилган бўлиши керак.

60. Танлов таклифларини баҳолаш учун буюртмачининг экспертлари ёки ташқи мустақил экспертлар жалб қилиниши мумкин. Ахлоқ нормаларига ва қатъий махфийликка риоя этиш ишга жалб этиладиган экспертлар учун мажбурий талаб ҳисобланади.

61. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш даврида эксперт комиссияси ва танлов комиссияси аъзоларининг ахлоқ нормаларига ва қатъий махфийликка риоя этиши мажбурий ҳисобланади.

62. Танлов қатнашчисини ғолиб деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан, танлов савдолари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашнинг биринчи ва иккинчи босқичлари натижалари асосида қабул қилинади. Энг кўп баҳолаш бали олган таклиф ғолиб деб эътироф этилади. Танлов таклифларини баҳолаш алоҳида ажратилган хонада ўтказилади, унга эксперт комиссияси ва танлов комиссияси ишлаётган вақтда бегона кишиларнинг кириши қатъиян тақиқланиши керак.

63. Танлов таклифларини очиш вақтидан бошлаб танлов савдолари ғолиби тўғрисида қарор қабул қилинадиган вақтгача эксперт комиссияси ва танлов комиссияси аъзолари танлов савдолари қатнашчиларидан биттасига устунлик бермаслик, кўриб чиқиляётган таклифларни баҳолашнинг ҳолислигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаслик учун танлов савдолари қатнашчилари билан мулоқотда бўлмаслиги керак.

64. Эксперт комиссияси ва танлов комиссиясининг танлов савдолари қатнашчилари билан барча мулоқотлари танлов савдолари эълон қилинган вақтдан бошлаб танлов комиссияси томонидан контракт бериш тўғрисида қарор қабул қилингунгача фақат ёзма шаклда амалга оширилади, танлов савдолари қатнашчиларидан уларнинг ушбу Низомнинг 65-бандига мувофиқ

ўтказиладиган танлов таклифлари моҳияти бўйича тушунтиришлар олиш юзасидан мулоқотлар бундан мустасно.

65. Танлов таклифи билан танишиш натижалари бўйича унинг айрим жиҳатлари тушунарли бўлмаган ва танлов савдолари қатнашчиси томонидан тушунтиришларни талаб қиладиган масалалар, ҳисоб-китоблардаги аниқ хатоликлар, ноаниқ атамалар ва аниқлаштиришни талаб қиладиган бошқа деталлар пайдо бўлган тақдирда эксперт комиссияси ва танлов комиссияси аъзолари буюртмачининг вакиллари иштирокида ёзма сўров юборишлари ёки бундай танлов таклифи берган танлов савдолари қатнашчиси билан кенгаш ўтказишлари мумкин. Бундай мулоқотларда қатнашиш учун танлов қатнашчисининг вакили ўзининг ваколатларини ёзма равишда тасдиқлайдиган, бундай танлов қатнашчисининг танлов таклифини имзолаган шахс томонидан имзоланган ёзма тасдиқномага эга бўлиши керак. Эксперт ёки танлов комиссияси танлов қатнашчисини бундай кенгашнинг вақти ва кун тартиби тўғрисида хабардор қилади ҳамда кенгашга раислик қилади, бунда танлов буюртманомаси мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришларга, шу жумладан бажаришнинг нархи ёки муддати ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Қатнашчига ёки унинг ваколатли вакилига барча саволлар ва саволларга жавоблар ёзма шаклда қайд этилиши керак.

66. Танлов таклифларини баҳолаш тугаллангандан кейин эксперт комиссияси контракт бериш бўйича протоколни тавсияномалар билан бирга расмийлаштиради ва имзолайди. Контракт бериш бўйича протокол тавсияномалар билан бирга баҳолашнинг биринчи ва иккинчи босқичлари протоколлари ҳамда қатнашчиларнинг танлов буюртманомалари нусхалари билан биргаликда танлов комиссиясига берилади.

67. Битимлар талабларини ҳисобга олган ҳолда пудратчиларни (етказиб берувчиларни) танлаш бўйича қарорлар қўйидаги тарзда келишилади:

а) умумий қиймати юз минг АҚШ долларидан кўп бўлган, лекин ўн беш миллион АҚШ долларидан ошмайдиган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш натижалари тўғрисидаги танлов комиссияси протоколлари келишиш учун маълум қилиш тартибида ваколатли органга юборилади. Агар ваколатли орган танлов комиссияси мажлисининг протоколлари олинган санадан бошлаб ўн календарь кун мобайнида буюртмачи томонидан танлов савдолари ўтказиш шартлари бузилганлиги асосланган рад этишларни тақдим этмаса протокол билан тасдиқланган контракт бериш тўғрисидаги қарор ваколатли орган билан келишилган деб ҳисобланади;

б) умумий қиймати ўн беш миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш натижалари тўғрисидаги танлов комиссияси протоколлари келишиш учун бошқарувчи қўмига киритилади.

68. Танлов савдолари натижаларини ваколатли орган ёки бошқарувчи қўмига билан келишганлик буюртмачи учун:

буюртмачининг бюджетига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш;

танлов савдолари ғолиби бўлган қатнашчига контракт бериш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ва унинг билан бундай контрактни тузиш учун асос ҳисобланади.

Ваколатли орган ёки бошқарувчи қўмитанинг танлов савдолари натижаларини келишишни рад этиши буюртмачи томонидан танлов савдолари натижаларини бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

69. Буюртмачи танлов таклифлари амал қиладиган муддат ўтгунгача, лекин пудратчини (етказиб берувчини) танлаш бўйича қарор қабул қилингандан ва танлов савдолари натижалари келишилгандан кейин беш банк кунидан кечикмай танлов савдолари ғолибига уни ғолиб деб эътироф этиш тўғрисидаги ёзма билдиришномани юборди.

70. Танлов савдолари ғолиби бўлган қатнашчи банк кафолати тарзида ёки буюртмачи учун мақбул бўлган бошқа исталган тарзда контрактни бажариш таъминланишини тақдим қилгандан кейин буюртмачи дарҳол танлов савдоларида ютказган қатнашчиларга уларнинг таклифлари рад этилганлиги тўғрисида билдиришнома юборди ва уларнинг танлов таклифлари таъминланишини беради.

71. Буюртмачи танлов савдолари қатнашчиларига танлов савдоларининг танлов комиссияси томонидан тасдиқланган натижаларини, танлов таклифлари рад этилганлиги сабабларини ва танлов савдолари ғолибига контракт берилишини изоҳлашга мажбур эмас.

V. Танлов бўйича танлаш ва танлов савдоларини ўтказиш якунларига биноан контрактни имзолаш

72. Буюртмачи танлов қатнашчисини уни ғолиб деб эътироф этиш тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда танловнинг бундай қатнашчисига буюртмачининг раҳбари имзолаган контрактни икки нусхада юборди.

73. Танлов қатнашчиси ғолиб деб эътироф этиш тўғрисидаги билдиришнома олинган вақтдан бошлаб ўн календарь кун мобайнида контрактни имзолаши, унга сана қўйиши ва бир нусхасини буюртмачига қайтариши керак. Контрактнинг охириги варианти томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан шакллантирилиши мумкин.

74. Умумий қиймати ўн беш миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган тузилган контрактлар битим талабларига мувофиқ, тасдиқлаш учун бошқарувчи қўмитага киритилади. Бунда мазкур контрактлар фақат улар бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

75. Контракт уни иккала томон имзолаган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва у ушбу Низомда ва битимларда белгиланган тартибда келишилгандан ёки тасдиқлангандан ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли тартиботлардан ўтгандан кейин кучга киради.

76. Танлов қатнашчиси голиб деб эътироф этган вақтдан бошлаб ўн календарь кун мобайнида голиб контракт шартларига мувофиқ, банк кафолати шаклида (шакл сотиб олиш турига кўра танлов ҳужжатида мавжуд бўлади) ёки буюртмачи учун мақбул бўлган бошқача турда контрактни бажаришнинг таъминланишини тақдим этиши керак.

77. Агар танлов голиби ушбу Низомнинг 73 ва 76-бандларида назарда тутилган шартларни бажара олмаса, у ҳолда бу буюртмачининг контрактни рад этиши ва танлов таклифи таъминланишини ушлаб қолиши учун етарли асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ҳолда буюртмачи танловда танлов таклифи ютган деб эътироф этилган танлов қатнашчисидан кейинги ўринни эгаллаган танлов қатнашчиси билан контракт тузиш ёки янги танловни эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

78. Контрактни бажаришнинг таъминланиши миқдори контракт баҳосининг ўн фоизидан ошмаслиги керак.

VI. Танловлар ўтказилмаслигига сабаб бўладиган фавқулодда ҳолатлар

79. Қуйидаги фавқулодда ҳолатларда буюртмачи ваколатли орган билан келишган ҳолда товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишни танлов ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан амалга ошириши мумкин:

а) товарлар, ишлар ва (ёки) хизматлар қуйидаги сабабларга кўра фақат битта пудратчи (етказиб берувчи) томонидан етказиб берилиши (бажарилиши) мумкин:

унинг мутлақ имкониятлари ва ҳуқуқлари;

сотиб олинаётган асбоб-ускуналарни ёки эҳтиёт қисмларни илгари сотиб олинган асбоб-ускуналарга мослиги ва унификация қилинишининг муҳимлиги;

амалга оширилиши (сотиб олинishi) керак бўлган товарлар, ишлар ва хизматларнинг буюртмачи томонидан илгари сотиб олинган (фойдаланилаётган)ларга қўшимча ҳисобланиши ва (ёки) илгари бошланган ёки давом этаётган ишлар (хизматлар)нинг табиий равишда кенгайтирилиши ҳисобланиши ҳамда битта ва айнан шу пудратчини (етказиб берувчини) жалб этиш тежамлироқ бўлишини ва товарнинг ҳамда бажарилаётган ишлар (хизматлар)нинг сифатига нисбатан натижаларнинг ўзаро мослигини таъминлашининг аниқлиги;

б) контракт майдони участкаларида ишларни ташкил этиш учун буюртмачининг назарида энг қулай бўлган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш объектлари билан шартномалар тузилиши;

в) буюртмачи назарида буюртмачи томонидан амалга оширилаётган ишлар талабларига энг тўлиқ жавоб берадиган ва буюртмачига инвесторнинг компаниялар гуруҳи билан ягона ахборот маконига эга бўлиш имконини берадиган ахборот тизимлари ва идоравий дастурий таъминотини (ва

унга лицензияларни) жорий этиш ҳамда бирга қўшиб олиб бориш юзасидан хизматларни сотиб олиш ва амалга ошириш бўйича шартномалар тузилиши;

г) техника, материаллар ва асбоб-ускуналарни тезкорлик билан сотиб олишни талаб қиладиган форс-мажор вазиятларида ва техноген тусдаги аварияларда;

д) ушбу Низомга мувофиқ ўтказилган танловлар голибнинг аниқланишига олиб келмаганда;

е) лойиҳанинг ишлаб чиқувчиси томонидан муаллифлик назорати бўйича ишларни амалга ошириш;

ж) буюртмачи ходимини ўқитиш юзасидан шартномалар тузиш;

з) инвесторнинг ходимини ишлаш учун буюртмачига хизмат сафарига юбориш бўйича хизматларни харид қилиш.

80. Буюртмачи ушбу Низомнинг 81 — 83-бандларига мувофиқ, танлов ўтказмасдан амалдаги контрактларга қўшимча битимлар тузиши мумкин.

81. Амалдаги контрактларга қўшимча битимлар ваколатли орган билан келишмасдан тузилиши мумкин, агар бу:

а) ушбу Низомнинг III бўлимига мувофиқ тузилган амалдаги контрактга қўшимча битимлар ана шундай тусдаги қўшимча товарлар, ишлар ва хизматлар юзасидан тузилган бўлса, агар контрактнинг умумий суммаси амалдаги контрактга тузилган барча қўшимча битимлар бўйича амалга ошириладиган тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда юз минг АҚШ долларидан ошмаса;

б) ушбу Низомнинг IV бўлимига мувофиқ тузилган амалдаги контрактга қўшимча битимлар бўлса, агар ана шундай тусдаги қўшимча товарлар, ишлар ва хизматлар юзасидан тузилаётган қўшимча битимлар суммаси юз минг АҚШ долларидан ошмаса ва амалдаги ана шундай контракт умумий суммасининг ўттиз фоизидан ошмаса.

82. Амалдаги контрактларга қўшимча битимлар ваколатли орган билан келишган ҳолда тузилади, агар бу:

а) ушбу Низомнинг III бўлимига мувофиқ тузилган амалдаги контрактга қўшимча битимлар ана шундай тусдаги қўшимча товарлар, ишлар ва хизматлар юзасидан тузилган бўлса, агар контрактнинг умумий суммаси амалдаги контрактга тавсия қилинаётган қўшимча битимлар бўйича амалга оширилган тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда юз минг АҚШ долларидан ошса, бу ҳолда шундай тусдаги қўшимча товарлар, ишлар ва хизматлар юзасидан қўшимча битимлар суммаси амалдаги ана шундай контракт умумий суммасининг ўттиз фоизи доирасида бўлиши керак;

б) ушбу Низомнинг IV бўлимига мувофиқ тузилган амалдаги контрактга тузилган барча қўшимча битимлар бўйича амалга ошириладиган тегишли ўзгартиришларнинг умумий суммаси юз минг АҚШ долларидан ошса, лекин бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлмаса ва амалдаги ана шундай контракт умумий суммасининг ўттиз фоизидан ошмаса.

83. Амалдаги контрактларга қўшимча битимлар бошқарувчи қўмита қарорига кўра тузилади, агар амалдаги контрактга барча тузилган қўшимча

битимлар бўйича амалга ошириладиган тегишли ўзгартиришларнинг умумий суммаси бир миллион АҚШ долларидан ва/ёки амалдаги ана шундай контракт умумий суммасининг 30 фоизидан ортиқ бўлса.

VII. Танлов қатнашчилари, буюртмачи ва танлов комиссиясининг жавобгарлиги

84. Танловда қатнашишнинг белгиланган қоидаларини бузган танлов қатнашчилари танловда қатнашишдан четлаштирилиши керак.

Танлов ғолиби деб эълон қилинган танлов қатнашчиси:

физик, сифат ва техник параметрлар бўйича контракт шартларининг шартномада назарда тутилган муддатларда бажарилмаганлиги;

танлов шартларини бажариш мониторинги натижалари бузилганлиги;

танлов шартлари ва контрактнинг бошқача тарзда бузилганлиги учун жавоб беради.

85. Буюртмачи:

танлов комиссиясини шакллантириш вақтида унинг таркибига нисбатан қўйилган талабларга риоя этилиши;

бундай харид эҳтиёжи учун назарда тутилмаган шаклларда харидни амалга оширишга имкон берадиган, унинг қийматини камайтириш мақсадида харид эҳтиёжининг бўлиб юборилиши;

танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугагунгача танлов ҳужжатларини сотиб олган талабгорларни ўз вақтида хабардор қилмасдан ва танлов таклифларини тақдим этиш муддатини уларга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтга узайтирмасдан танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши;

танловда қатнашиш юзасидан буюртманомаларни ҳамда тижорат ёки танлов таклифларини қабул қилиб олишнинг рад этилиши, уларнинг ҳисобга олиниши, махфийлиги ва очилгунгача сақланиши таъминламаганлиги;

танлов савдолари ғолиби билан контракт тузиш муддатининг бузилганлиги;

физик, сифат ва техник параметрлар бўйича контракт шартларининг шартномада белгиланган муддатларда бажарилмаганлиги;

ахборотларнинг ошкор қилганлиги, ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар ўртасида танлов қатнашчилари билан тил бириктиришга йўл қўйилганлиги, совғалар ва пул мукофотлари (ҳар қандай шаклларда) олганлик ва бошқа қонунга қарши хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги;

танлов шартларини бажариш мониторинги учун нотўғри ахборотлар тақдим этилганлиги;

танлов савдолари ўтказиш тартиботларининг бошқача тарзда бузилишлари учун жавоб беради.

86. Танлов комиссияси:

танлов савдоларини ўтказиш тартиботи босқичлари бўйича кам овоз билан ва (ёки) танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмасдан қарор қабул қилинганлиги;

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сири сақланиши юзасидан ҳуқуқларининг бузилганлиги;

талабгорларнинг (танлов савдолари қатнашчиларининг) танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган малака маълумотларига нисбатан мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;

талабгорнинг (танлов қатнашчисининг) танлов тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда четлатилганлиги;

тижорат ва танлов таклифлари мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга, шу жумладан нархларнинг ёки бажариш муддатининг ўзгартирилишига йўл қўйилганлиги;

танлов савдолари қатнашчиси томонидан танлов таклифининг мазмунини уни танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида тушунтириб берилишига асоссиз равишда йўл қўйилганлиги;

ахборотларнинг ошкор қилинганлиги, ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар ўртасида танлов қатнашчилари билан тил бириктиришга йўл қўйилганлиги, совғалар ва пул мукофотлари (ҳар қандай шаклларда) олганлик ва бошқа қонунга қарши хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги;

танлов савдолари ғолибини белгилаш ва эълон қилиш тартиботининг бузилганлиги;

танлов савдолари тартиботларининг бошқача тарздаги бузилишлари учун жавоб беради.

87. Танлов бўйича танлаш ёки танлов савдолари тартиботларидан юзага келган келишмовчиликлар ва низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

314 Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, шунингдек атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси:

Ўзбекистон Республикаси ва Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ўртасидаги Ядровий қурулми тарқатмаслик тўғрисидаги 1994 йил 8 октябрдаги шартнома билан боғлиқ бўлган кафолатларни қўллаш тўғрисидаги Битим ҳамда Битимга 1998 йил 22 сентябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Қўшимча протокол бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евратом) ўртасида атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 2003 йил 6 октябрда Брюссель шаҳрида имзоланган Битим бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

2. Атом энергияси бўйича халқаро агентликка (МАГАТЭ) ва Евратомга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборотлар тайёрлаш ва уларни (баёнот, ҳисоботлар, хабарномалар, ҳисоботларга қўшимча ва тушунтиришлар) тақдим этиш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги МАГАТЭ ва Евратомни «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган Битимлар бўйича Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланганлиги тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 25 июнь,
179-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**315 Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида**

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб жорий этилган уч босқичли ягона спорт ўйинлари тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш борасида беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Ўтган давр мобайнида бу мусобақалар ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди ҳамда улар учун тажриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу спорт ўйинларининг аниқ дастур асосида юртимизнинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказиб келинаётганлиги, жойларда замон талабларига жавоб берадиган, янгича қиёфадаги мухташам спорт масканлари, стадионлар, сузиш ҳавзаларининг барпо этилиши қишлоқ ва шаҳарларнинг янада обод бўлишида алоҳида аҳамият касб этаётганлигини қайд этиш лозим.

Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» республика спорт мусобақаларининг финал босқичини даврий равишда ўтказиш тизими шакллانганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан шакллантирилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» «Универсиада» республика спорт мусобақаларининг финал босқичларини ўтказиш режаси 1-иловага*, ушбу мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмиталар таркиблари 2 — 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмиталарга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур спорт мусобақаларини ўтказиш юзасидан алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклансин.

* 1 — 4-иловалар берилмайди.

Ушбу дастурларда куйидагилар назарда тутилсин:

спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига спорт ва жисмоний тарбия тадбирларига ажратиладиган маблағлар доирасида, шунингдек, ҳомийларнинг маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этган ҳолда ўтказилиши;

спорт мусобақаларининг республика финал босқичлари бўлиб ўтадиган ҳудудлар ва у ерда жойлашган инфратузилма объектларини талаб даражасида тайёрлаш ва замонавий асосда жиҳозлаш;

спорт мусобақалари давомида ҳар қайси иштирокчининг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтириш, буюк аждодларимизнинг мардлик ва жасурлик анъаналарини муносиб давом эттиришга қодир инсонлар бўлиб етишишига хизмат қиладиган маданий-маърифий тадбирлар дастурини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматига спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар ўтадиган ҳамда қатнашчилар яшайдиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги спорт мусобақалари иштирокчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш ва мусобақалар даврида тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, спортчиларнинг дам олиш, овқатланиш жойларида санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси Ташкилий қўмиталар буюртмасига биноан спорт мусобақалари иштирокчилари ва ижодий гуруҳ аъзоларини имтиёзли тарифлар асосида чипталар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 июнь,
181-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

316 Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштиришнинг, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишишнинг содда-лаштирилган тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 апрелдаги 127-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июль,
184-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 2 июлдаги 184-сон қарорига
ИЛОВА

**Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги
тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш
инспекциялари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш
(реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни
расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир
жойнинг ўзида келишиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан якка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши якка тартибда уй-жой қуришни амалга оширадиган қурувчилар, шунингдек уй-жойни реконструкция қиладиган уй-жой мулкдорларига татбиқ этилади.

3. Инспекция белгиланган тартибда пулли хизматлар кўрсатади.

4. Қурувчи ёки уй-жой мулкдори тегишли равишда якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилишни амалга ошириш учун рухсатномаларни Инспекцияга мурожаат қилмасдан мустақил равишда расмийлаштириш, шунингдек лойиҳаларни келишиш ҳуқуқига эга.

5. Зарур ҳолларда, ушбу Низом доирасидаги амалий ҳаракатлар қурувчи ёки уй-жой мулкдори номидан уларнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши мумкин.

6. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

уй-жой — инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойлар, жумладан якка тартибдаги уйлар, кўп қаватли уйлардаги квартиралар, шунингдек якка тартибдаги уйларга тегишли бўлган ёрдамчи-хўжалик қурилмалари ва дам олиш ёки шахсий хўжалигини юритиш учун мўлжалланган ҳовлидаги иморатлар;

реконструкция — архитектуравий режалаштирилган ечимларни ўзгартириш, устқурмалар қуриш, қисман бузган ҳолда, ишдан чиққан ва маънавий эскирган конструкциялар ва муҳандислик жиҳозларини, шу жумладан ташқи тармоқларни (магистраль тармоқлардан ташқари) алмаштирган ҳолда ёнма-ён иморатлар қуриш.

II. Уй-жой қуришда рухсатномалар олиш ва ваколатли органларда лойиҳаларни келишиш тартиби

7. Уй-жой қуришга рухсатномалар олиш учун қурувчи ёхуд унинг вакили ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси ва тегишли лицензияси бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган уй-жой қуришга лойиҳани илова қилган ҳолда Инспекцияга ариза беради.

8. Ариза махсус журналда рўйхатдан ўтказилади ва қурувчи ёхуд унинг вакилига ариза олинган сана кўрсатилган кўчирма берилади.

Қурувчи ёки унинг вакилидан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва келишувлар тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Уй-жой қуришга лойиҳа қўйидагилардан иборат бўлади:

ер усти ва ер ости муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси тарҳи;

пойдеворлар, ертўлалар, қаватлар, уларнинг кесимлари ва бинонинг олд томони тарҳлари;

молиявий смета ҳисоб-китоби (кредит олишга эҳтиёж бўлган тақдирда).

10. Битта ер участкасида бир нечта турар жой қуришга рухсат берилади.

11. Инспекция аризани олгандан кейин бир кун муддатда:

туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га — уй-жой қуришга лойиҳани келишиш учун;

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими)га — ер участкасига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли буюртманомалар беради.

12. Туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) уч кун муддатда уй-жой қуришга лойиҳани келишади, ундан кейин ҳужжатларни Инспекцияга юборади.

13. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими) уч кун муддатда тегишли гувоҳномани расмийлаштирган ҳолда ер участкасига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказади, ундан кейин ҳужжатларни Инспекцияга юборади.

14. Инспекция бир кун муддатда қурувчига ёхуд унинг вакилига келишилган лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни беради.

15. Келишилган якка тартибдаги ёки намунавий лойиҳа уй-жой қуриш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

III. Уй-жойни реконструкция қилишда рухсатномалар олиш ва ваколатли органларда лойиҳаларни келишиш тартиби

16. Уй-жойни реконструкция қилишга рухсатномаларни расмийлаштириш учун уй-жой мулкдори ёхуд унинг вакили Инспекцияга мўлжалланаётган ишларни баён қилган ҳолда реконструкция қилишга ариза беради.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

уй-жойга мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхаси;
тегишли лицензияси бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган турар жойни реконструкция қилишга лойиҳанинг нусхаси;
лойиҳа ташкилоти томонидан белгиланган тартибда тайёрланган техник хулоса;

кўп квартирالي уйларда уй-жойни реконструкция қилишда умумий мулкнинг сақланишини таъминлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ёзма розилиги.

17. Ариза махсус журналда рўйхатдан ўтказилади ва мулкдорга ёхуд унинг вакилига ариза олинган сана кўрсатилган кўчирма берилади.

Мулкдор ёки унинг вакилидан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва келишувлар тавқим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

18. Инспекция ариза олингандан кейин бир кун муддатда туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га реконструкция қилиш бўйича ҳужжатларни келишиш учун тегишли буюртма-нома беради.

19. Туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) буюртма-нома олингандан кейин уч кун муддатда белгиланган тартибда реконструкция қилиш бўйича ҳужжатларни келишади, кейин уларни Инспекцияга юборади.

20. Инспекция бир кун муддатда реконструкция қилиш бўйича келишилган ҳужжатларни мулкдорга ёхуд унинг вакилига беради.

21. Реконструкция қилиш бўйича ҳужжатлар келишуви рад этилган тақдирда ариза берувчига унинг аризасини қондириш учун тўсқинлик қилган сабаблар ва ҳолатлар, шунингдек унинг Инспекцияга қайта мурожаат қилиши мумкин бўлган шартлар ёзма шаклда тушунтирилади. Рад этиш устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

22. Келишилган реконструкция лойиҳаси уй-жойни реконструкция қилиш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

IV. Қурилиши (реконструкция қилиш) тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш

23. Уй қуриш ва уй-жойни реконструкция қилиш тугаллангандан кейин қурувчи ёки уй-жой мулкдори ёхуд уларнинг вакиллари уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан Инспекцияга мурожаат қилдилар. Инспекциянинг буюртманомасига кўра туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими) ўн кун муддатда уй-жойни техник хатловдан ўтказди. Уй-жойни хатловдан ўтказиш хизматлари қиймати белгиланган тартибда белгиланади.

24. Техник хатловдан ўтказиш ишлари бажарилгандан кейин туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатадиган

қабул комиссияси уч кун муддатда жойнинг ўзига чиқиб уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси келишади.

Уй-жой қурувчининг ўз кучи билан қурилаётган (реконструкция қилинаётган) тақдирда битта яшаш хонаси, ошхона, ҳожатхона қурилиши тугалланганда, лойиҳага мувофиқ муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганда алоҳида турган ёрдамчи-хўжалик қурилмалари ва ховли иморатларисиз ҳамда худудларни ободонлаштирмасдан, уйнинг бир қисмини қабул қилишга рухсат берилади.

25. Инспекция шаҳар (туман) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими) ҳамда туманлар ва шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) билан келишган ҳолда уч кун муддатда туман (шаҳар) ҳокимига уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини киритади.

26. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тегишли қарор лойиҳаси киритилгандан кейин икки кун муддатда қабул қилинади.

27. Туман (шаҳар) ҳокимининг уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори асосида Инспекция туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (бўлими)га уй-жойга мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилади. Уй-жойга мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш, тегишли гувоҳнома берилган ҳолда бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

28. Тайёрланган ҳужжатлар қурувчи ёки уй-жой мулкдорига ёхуд уларнинг вакилларига бир кун муддатда берилади.

V. Ушбу Низом талаблари бузилганлиги учун қурувчилар ва уй-жой мулкдорларининг жавобгарлиги

29. Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилишни амалга оширадиган қурувчилар ва уй-жой мулкдорлари (жисмоний ва юридик шахслар) шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, уй-жой қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаси, шунингдек ушбу Низом талаблари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**317** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини
ташkil этиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қаро-
рига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида» 2009 йил 19 майдаги 141-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташkil этиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қарорида:

1-илова III бўлим 10-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2-илованинг 2-банди чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 июль,
185-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

318 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1853-1*

(2009 йил 7 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сонли қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 309-модда) ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 1 августдаги 56, 73, ЭГ-01/19-3822, 01-02/8-46-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарлари рўйхатининг (рўйхат рақами 1853, 2008 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37-38-сон, 384-модда) «ТИФ ТН коди 2007 йил таҳрири» графасидаги «8523 (8523 21 000 0 ва дастурий таъминотдан ташқари)» кодли сатри «8523 29 — 8523 52 900 1 (дастурий таъминотдан ташқари), 8523 52 900 9 (банк пластик карточкаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган чип-модуллердан ташқари), 8523 59 — 8523 80 (дастурий таъминотдан ташқари)» кодли сатр билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 июнь,
76-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 июнь,
65-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 июнь,
ЭГ-01/10-3881-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 июнь,
01-02/8-13-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**319 Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда
мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1977*

(2009 йил 11 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-даги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда мехнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
24/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мехнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 2 июндаги 24/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда
мехнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилиш билан шуғулланадиган ходимлар (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) учун мехнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, сигирлар ва насл буқаларни (бундан кейинги ўринларда моллар деб юритилади) парвариш қилиш билан шуғулланадиган корхоналар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналари (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) томонидан қўлланиши шарт.

2. Мазкур Қоидалар ҳайвонлар гигиенаси ва ветеринария-санитария қоидалари, давлат стандартлари нормалари ва бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Молларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати, бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

4. Молларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади ҳамда қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

бахтсиз ҳодисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши.

5. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим

2-§. Ходимларга йўл-йўриқлар бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

6. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда

ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

7. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини ташкил қилиш ва билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) мувофиқ ишлаб чиқилади, ишловчиларни шу йўриқномалар билан таъминлаш корхона раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

9. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

10. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосида амалга оширилиши лозим.

11. Тиббий кўриқлар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

12. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

13. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхона маъмурияти зиммасига юкланади.

14. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

15. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

16. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда маъмурият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

4-§. Касбий танлов

17. Корхоналарда касбига кўра саралаш ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

18. Агрессив, ёмон хулқли ва юқумли касаллик билан касалланган молларга (бундан кейинги ўринларда хавфли бўлган ишларни бажаришда деб юритилади) хизмат кўрсатишда махсус курсларни тамомлаган шахсларнинг ишлашига рухсат этилади.

19. Барча ишчилар хавфли бўлган ишларни бажаришга киришиш олди-дан бундай ишларни хавфсиз амалга оширишлари бўйича йўл-йўриқ олишлари, талаблар билан танишишлари, уларни бажаришнинг хавфсиз усуллари-ни ўзлаштириб олган бўлишлари зарур.

20. Иш берувчи хавфли бўлган ишларнинг олдини олишни ташкил этиш-да ва хавфсиз ўтказишда белгиланган тартибга амал қилиши учун тўла жавобгардир.

21. Иш берувчи касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимлар-ни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назо-рат ўрнатиши, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиши лозим.

5-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

22. Ходимлар хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғри-сида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

23. Ҳар бир корхона амалдаги тармоққа мос келадиган хавфи юқори шароитларда бажариладиган ишлар рўйхатини тузиб чиқиши зарур.

24. Молларни парваришlash жараёнида қуйидаги хавфли ва зарарли омиллар таъсир қилиши мумкин:

ҳаракатланувчи машина ва механизмлар, ишлаб чиқариш ускуналари; термик хавф (60° С дан юқори сув, буғ ва бошқалар);

юқори ёки паст ҳарорат, ҳаво ҳароратини икки томонлама (елвизак) бўлиши;

ишлаш жойида етарлича ёруғлик бўлмаслиги;

белгиланган меъёрдан ортиқ юк кўтариш ва ташиш;

кимёвий хавф (кимёвий моддалар таъсири, ювиш учун ва дезинфекция қилувчи моддаларни кўзга, нафас органларига ва терининг ҳимояланмаган жойларига таъсири);

электр токидан шикастланиш;

биологик хавф (бруцеллёз, туберкулёз, лептоспироз, оксил, куйдирги ва бошқа юқумли касалликларга чалинган ва жаҳлдор моллар билан алоқа-да бўлиш, тажриба ўтказиш мобайнида микроорганизмларни юктириш).

25. Молларни парваришlash, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда хавфли ва зарарли омиллар инсон организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

26. Молларни парваришlashда инсонлар ва молларга хос бўлган касалликлар (туберкулёз, бруцеллёз, лептоспироз ва бошқа юқумли касалликлар) билан касалланган шахсларнинг ишлашлари тақиқланади.

27. Молларни парваришlashда тери касалликлари билан касалланган, шилинган ва майда яралари бор ходимлар фақат шифокор рухсати билан ишлашга рухсат этилади.

28. Агрессив ва ёмон хулқли моллар сақланадиган молхона ёки бокслар тепасига огоҳлантирувчи белги қўйиш шарт. Бу белги сариқ рангли ёзув билан ёзилиб, ҳарфларнинг баландлиги 35 мм, кенглиги 16 мм ва қалинлиги 3 мм бўлиши керак.

29. Боғлоқсиз (эркин) сақланадиган молларни парваришlash жараёнида уларнинг ҳаракатини чеклаб қўядиган асбоб ва ускуналардан фойдаланиш керак.

6-§. Ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш

30. Иш берувчи томонидан ходимларни зарарли ва хавфли омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш учун шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши шарт.

31. Қўлланиладиган ҳимоя воситалари вазифасига кўра, хавфсиз меҳнат шароитларини, ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли ва хавфли омиллар даражасини (ҳаво муҳити ва ёруғликни) меъёрий ҳолатга келтириши ёки мавжуд ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан бевосита ҳимоя қилишни ташкил этишни таъминлаши керак.

32. Ходимларни махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш — намунавий меъёрларга мос равишда амалга оширилади.

33. Шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш, бериш ва қабул қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

34. Иш вақтида ҳимоя кийими тугмалари маҳкам қадалган, энг манжетлари билакларгача зич қамраб олган бўлиши керак.

35. Эҳтиёт мосламалари қўллашни талаб қиладиган ишларни бажаришда меъёрларда назарда тутилганидан қатъи назар, ишловчиларга эҳтиёт чораси сифатида берилиши керак.

36. Корхона маъмурияти:

а) барча зарур ҳимоя воситаларининг мавжудлиги, созлиги ва белгиланган меъёрлар талабларига мувофиқлигини;

б) ҳимоя воситаларини қўллашни (ўрнатиш, бутлаш ва фойдаланиш)ни назорат қилиш;

в) ҳимоя воситаларини таъмирлаш ва созлаб туришни;

г) махсус кийимларни вақтида ювиш ва тикиб-чатиш, чангдан тозалашни;

д) заҳарли ва хавфли моддалар нисбатан кўп ажралиб чиқадиган шароитларда ишловчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларини газ ва инфекциядан тозалашни;

е) шахсий ҳимоя мосламалари ишдан чиқишининг олдини олишни (рес-пиратор филтърларини алмаштириш, алоҳида қисмлар ва ҳоказоларни ал-маштиришни) таъминлаши керак.

III. Молларни парвариш қилишда хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

37. Молларни парвариш қилиш билан боғлиқ ишлар қуйидагилардан иборат:

молларни парвариш қилиш;

юқумли касалликлар билан касалланган молларга (бруцеллёз, туберку-лёз, куйдирги ва бошқалар) хизмат кўрсатиш;

молларни транспорт воситаларига ортиш ва тушириш;

босим остида ишлайдиган техникада хизмат кўрсатиш;

қудуқларда ишлаш, суюқ гўнглари тозалаш.

38. Соғиш аппаратларида ишлаш, сутга дастлабки ишлов берадиган ва озуқа цеҳи ускуналарида ишлашга электр хавфсизлиги малакасига эга бўлган ходимларга рухсат этилади.

39. Янги қабул қилинган ходимлар 12 — 14 кун мобайнида раҳбарлар (бригадирлар ёки бошқа раҳбарлар) назорати остида бўлиб, кейин муста-қил ишлашга рухсат берилади.

40. Ходим ўз вазифасини бажаришда бошқа кишининг ёрдамига муҳтож бўлмаслиги керак.

41. Ходимлар механизмлар, машина ва ускуналар билан ишлаганда, уларни ишга тушириш ва тўхтатишда, ўрнатиш ва ўлчов асбобларини назо-рат қилишда ҳамда ишлаб чиқариш сигнализациясидан фойдаланишда хавф-сизлик талабларига риоя қилиши зарур.

42. Ходимлар иш жараёнида носоз техника ва асбоб-ускуналардан фой-даланмаслиги керак.

43. Ходимлар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши учун қуйида-гиларга амал қилиши лозим:

овқат ейишдан олдин ва иш тугагандан сўнг санитар ва махсус кийим-ларни ечиб ажратилган жойга илиб қўйиши;

ҳожатхонага боришдан олдин санитар буюмларни ечиш ва ундан кейин қўлни ювиши;

қўлни 0,2%-ли хлорли оҳак эритмасида чайиб, совун билан иссиқ сув-да ювиши ва шахсий сочиқда артиши.

44. Ходим ўзини ёмон ҳис қилганда, ҳарорати кўтарилганда, териси кесилганда ва йирингли ёки бошқа тери касалликлари пайдо бўлганда, кор-хона раҳбарини хабардор қилиши керак.

Корхона раҳбари шифокор келгунга қадар жароҳатланган кишиларга биринчи ёрдам кўрсатилишини ташкил қилиши керак.

2-§. Сигирларни парваришlashда хавфсизлик талаблари

45. Ходимлар сигирларни озиқлантириш, суғориш, соғиш, гўнгни йиғиштириш ишларини бажаришда сигирларни сақлашнинг кун тартибига риоя қилишлари лозим.

46. Сигирлар турган жойга «Эҳтиёт бўлинг! Сигир шохлайди» ёки «Эҳтиёт бўлинг, Сигир тепади» деб ёзилган огоҳлантирувчи белгилар осилган бўлиши лозим.

47. Сигирларга қўпол муомала қилмаслик керак.

48. Сигирларни озиқлантириш ва суғориш озуқа йўлаги орқали амалга оширилиши ва уларнинг турган жойига ўтмаслик керак.

49. Сигирлар турар жойига икки киши бўлиб кириш, ҳимоячи (иккинчи киши) қўлида ҳайвонни қўрқитадиган жиҳоз бўлиши шарт (электр қўрқитгич, таёқ).

50. Сигирлар йўқ пайтида ёки улар бўлганда кўчма чегара билан ажрашиб қўйилган ҳолда уларнинг ётиш жойлари тозаланиши лозим.

51. Очиқ гўнг чиқариш жиҳозлари билан ишлаш пайтида, сигирларни ташқарига чиқариш ва киритиш тақиқланади.

52. Биринчи бор туққан сигирларни (ғунажинлар) парваришlash ва соғишга ўргатишда қайсар сигирлардан эҳтиёт бўлиш керак.

53. Бузоқларни она сигирлар ёнида ўстирганда ювош сигирларни танлаб олиш керак.

54. Сигирлар туғиш пайтида улар таги ва гўнг ариқчаларига тўшама солиб, сирғаниши мумкин бўлган жойларни тузатиш керак.

55. Сигирларнинг боши ва оёғига жуда яқин турмаслик керак.

56. Сигирлар туғишига ёрдам бериш пайтида арқонни қўлга ўраб олмаслик керак.

3-§. Наслли буқаларни парваришlash, уруғ олиш ва сақlashда хавфсизлик талаблари

57. Наслли буқаларни (бундан кейинги ўринларда буқа деб юритилади) парваришlashда эҳтиёткорлик билан ишларни бажариш лозим.

58. Буқанинг турар жойини (икки томонга тортиладиган бошвоғи созлигини, занжирнинг ҳар бир ҳалқасини бутлигини, бурун ҳалқаси ва уни шохга бириктирилганлигини, йўналтириш таёқчаси созлигини ва буқани сақlash учун керак бўлган барча бошқа жиҳозлар созлигини) текшириш ва аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этиш лозим.

59. Буқани етакlash таёқчасининг узунлиги камида 2 метр бўлиши керак.

60. Буқани назорат қилиш (унинг жойига кирмай) озуқа ёки чиқариш йўлаги томонидан амалга оширилади.

61. Буқа юрадиган йўлакча ва яшаш майдони қуруқ, тоза ва бошқа нарсалардан ҳоли бўлиши керак.

62. Буқадан уруғ олишга ёки яйратишга олиб борадиган йўлакда холи жойлар ва ҳимоя тўсиқлари бўлиши керак.

63. Агарда буқа безовта бўлса, сабабини аниқлаб уни тинчлантириш керак.

64. Буқани эркалаб муомала қилиш керак, аммо ҳаракатлар аниқ ва кескин бўлиши лозим. Секин, ноаниқ, ишончсизлик ҳаракатлари буқада одамга ҳамла қилиш рефлексини кучайтиради. Буқа билан кўпол муомала қилиш, кун тартиби ва яйратиш меъёрининг бузилиши унда кўрс феъл ва ҳимоя рефлексини ривожлантиради.

65. Буқани барча муолажалари санитар кийим-кечагида амалга оширилиб, кейин уни махсус кийим-кечакка алмаштириб олиш лозим. Буқани парвариш қилувчи ходимлар оғриқли муолажаларда қатнашмаслиги керак.

66. Янги ходимни ишга ўргатиш уруғ олиш кунни амалга оширилмаслиги керак. Уруғ олувчи 10 — 12 кундан кейин буқага қараши, мазали озуқалар билан буқани сийлаши керак.

67. Буқани тагини ва ўзини тозалаш учун калта бошбоғга ўтказиб қўшимча занжир билан озуқа йўлак томонга боғлаш зарур.

68. Жуда жаҳлдор, феъли бузуқ буқаларга қарашда (бу тўғрида огоҳлантирувчи белгилар осилган бўлиши керак) унинг кўзи устига тўсиқ кийдирилиб, шохларининг учига ёғоч тахтача боғлаб қўйиш керак.

69. Буқани бинодан олиб чиқишда барча эшиклар беркитилиши, йўлакда ортиқча нарсалар бўлмаслиги ҳамда йўлда ёки йўлакда қарама-қарши томонга бошқа буқалар ҳаракат қилмаслиги лозим.

70. Буқа ва сигирларни ташқарига бир вақтда чиқармаслик керак.

71. Буқани турар жойидан бўйин ҳалқаси билан бирлаштирилган бошбоғдан ушлаб етаклаш таёқчаси орқали бурун ҳалқасидан енгил тортган ҳолда ташқарига олиб чиқилади.

72. Етакловчи таёқчасиз, бурун ҳалқаси орқали етаклаш ва буқанинг калласига яқин жойда юриш тақиқланади.

73. Буқаларни махсус майдончаларда яйратиш керак.

74. Фақат феъли яхши буқаларни гуруҳлаб яйратишга рухсат берилади.

75. Яйратиш тугагандан кейин буқа ўз жойига боғланади ва озуқа йўлаги томонга иккита бошвоқ билан боғланади, шундан кейин йўналтириш таёқчаси бўшатилади. Бурун ҳалқаси қайиш орқали шохига бириктирилади.

76. Буқа ишчи кийими рангига қараб ҳужум қилса, кийимни алмаштириш ёки буқани бошқа жойга ўтказиш ёки қаровчини алмаштириш керак.

77. Буқаларда уруғ махсус жиҳозланган хоналарда олинади.

78. Уруғ олишда осойишталик таъминланиши ва бегона шахслар бўлмаслиги шарт.

79. Манежга иккитадан кўп буқани киритиш тақиқланади.

80. Уруғ олишга тайёрланиш пайтида буқа томонга эгилиш мумкин эмас.

81. Манеждан буқани у тўлиқ тинчлангандан кейин олиб кетиш зарур.

82. Уруғлар музлатилганда фақат соз Дьюар идишлари ишлатилади. Дьюар идиши бузилса, уни азот ва уруғдан бўшатиб, уч кун давомида яхши ҳаво юрадиган, берк хонада сақланади.

83. Дьюар идишлари сақланадиган жойда бегона шахслар туриши ман этилади.

84. Суюқ азот билан ишлаганда юз ниқоби ва кўзни химояловчи воситадан фойдаланилади. Қўлқоп катта бўлиб қўлдан осон ечилиши, шим ёки комбинезон этик устига туширилган бўлиши керак.

85. Суюқ азот билан якка ишлашга рухсат берилмайди.

86. Дьюар идиши суюқ азот билан улов идишидан шланг ёрдамида тўлдирилиш пайтида, шланг идиш тагига тегиб туриши керак.

87. Дьюар идишини бошқа идишдан суюқ азот билан тўлдириш кенг воронка орқали амалга оширилади, чунки четларига тўкилиб кетмаслиги керак.

88. Дьюар идишига суюқ азот қуйиш пайтида унинг ичида ҳарорат ташқи ҳароратга тенг бўлса, кам-кам, секин қуйилади.

89. Дьюар идишини тез тўлдириш натижасида суюқлик идишдан чиқиб кетиши ва оқибатда нафасни бўғиши ёки қуйдириши мумкин.

90. Фавқулудда суюқ азот тўкилиб кетса, эшикни секин очиш ва хонадан одамларни чиқариб, шамоллатиш керак.

91. Дьюар идиш оғзидан азот қуйиш пайтида қараш тақиқланади. Унинг тўлганини унинг оғзида азот сачрашидан билиш мумкин.

92. Дьюар идиши фақат махсус қопқоқ ёрдамида беркитилади.

93. Дьюар идишларини кўчириш ёки ташишда уларни тушиб кетиши ёки қаттиқ силкинишидан эҳтиёт бўлиш лозим.

94. Дьюар идишидан фойдаланишда қуйидагилар ман этилади:

идиш яқинига иситиш асбобларини қўйиш;

тайёрловчи завод сертификатисиз азотни ишлатиш;

Дьюар идиши 12 марта қайта тўлдиришдан кейин идишни совуқ усери билан ювмасдан ишлатиш (идиш ичида суюқлик тўлиқ тўкилади, идиш яна суюқ азот билан тўлдирилади);

Дьюар идишидан бошқа суюқликлар учун идиш сифатида фойдаланиш;

идиш ичини органик келиб чиқишга эга эски латта билан артиш (фақат сунъий соч ва паролондан тайёрланган чўткалар ёрдамида ювишга рухсат этилади).

4-§. Молларни яйловда боқишда хавфсизлик талаблари

95. Яйловда молларни боқишдан олдин, яйловни бегона жисмлардан (сим, тош, тиканли буталар ва ҳоказо) тозалаш, чуқурларни ва эски қудуқларни кўмиш ёки ўраб қуйиш керак.

96. Молларни суғориш жойларини кўздан кечириш ва тайёрлаш лозим.

97. Сув бериш идиши кенг, бироз пастга қаратилган бўлиши, ботқоқсиз, чўкмайдиган ва ёрилишдан сақланган бўлиши керак.

98. Молларни яйловда боқишда гуруҳларни бир жинсли ва бир ёшли қилиб подага ажратиш лозим. Гўшт йўналишида боқиладиган моллар подаларида эмизадиган сигирлар ва сут ичириш давридаги бузоқлар бўлиши мумкин.

99. Яйловдаги умумий подада насли буқаларни боқиш тақиқланади.

100. Йирик шохли молларни ёзги даврда яйловда сақлаганда насли буқаларни букахонада ёки молхонадаги алоҳида жойда боғланган ҳолда сақлаш лозим.

101. Ёзги яйловда насли буқа учун алоҳида жой ёки станок ажратилади. Бу жойда охур ва суғориш идиши бўлиши керак, буқа у ерда боғлоқ ёки боғлоқсиз сақланади. Қуёш нурларидан ва ёнғингарчиликдан сақланиш учун махсус бостирма-шийпон тайёрланади.

102. Молларни боқишда уларни бошқариш учун чармдан ясалган қамчидан фойдаланилади. Қамчи ўрнига турли хил кесадиган, қадаладиган ва ўткир нарсалар, калта таёқлар, резина шланг ва бошқа асбоблардан фойдаланиш мумкин эмас.

103. Молларни яйловда боқиш учун камида икки киши бўлиши ва ўргатилган, тишламайдиган отлардан фойдаланилади.

5-§. Озуқаларни тарқатишда хавфсизлик талаблари

104. Чорвачилик биноларига киришда ва ундан чиқишда дарвозани тўлиқ очилганлиги ва эшикларни очиқ туришини таъминловчи мосламани (фиксатор) ишчи ҳолатга келтирилганлиги назорат қилиниши керак.

105. Стационар озуқа тарқатгични ишга туширишдан олдин сигнал бериб ёки ёритгич мосламаси орқали огоҳлантириш берилиши лозим.

106. Стационар озуқа тарқатгични ишга туширишда унга белгиланган микдордан ортиқча озуқа ва ёд нарсаларни (ёғоч, тош, металл нарсаларни) тушишига йўл қўймаслик керак.

107. Очиқ озуқа транспортёрларига хизмат кўрсатишда фақат махсус жиҳозланган кўприклар орқали транспортёрнинг нариги томонига ўтиш мумкин.

108. Озуқа тарқатгич транспортёрнинг тросли-шайбали, аралаштиргич ва қирғич қисмига озуқа тикилиб қолса транспортёр ўчирилиб, ёғоч ёки пластмассали мослама ёрдамида тозаланади. Бунда транспортёрни ишга тушириш пултига «Ўқилмасин! Одам ишлаяпти» деган огоҳлантирувчи белги осиб қўйилиши лозим.

109. Сепилувчан озуқани тарқатишда иш зонасини чанг бўлиб кетишдан асраш учун ускунани герметиклигини ва вентилицион қурилманинг ишлашини назорат қилиб бориш керак.

110. От-аравада озуқани тарқатишда аравани тўхтатиб, ерга тушилади сўнгра озуқа тарқатилади.

111. Қўл аравада озуқани ташишда қўйдаги кетма-кетликка ва хавфсизлик чораларига амал қилинади:

аравага юк ортишда уни текис жойга яхшилаб ўрнатилиши;

юкни шундай ортиш керакки, қўл аравани ҳаракатлантирганда у ёнбошга ағдарилиб кетмаслиги;

қўл араваси охурдан ўтишда, эшикдан киришда қўлни жароҳатламаслиги керак.

6-§. Молларни суғоришда хавфсизлик талаблари

112. Молларни эркин сув ичириш учун сув охурлари мавжуд бўлиши керак.

113. Сув охурларидан сув окмайдиган, тузатилган ҳолатда фойдаланилади.

114. Сув охурларини турли ифлосликлардан тозалашда тозалагичлардан фойдаланилади.

115. Сув охурларни моллар йўқ вақтда сув билан тўлдириб қўйиш лозим.

116. Ҳаракатланадиган сув охур, сув ичириш вақтида тўхталиши лозим.

7-§. Сигирларни соғиш

117. Сигирларни соғишдан олдин соғиш аппаратларининг соғишга яроқлигини ва тўғри йиғилганлигини текшириб кўриш керак.

118. Соғиш ускуналаридан фойдаланишдан олдин унинг яроқлилиги текшириб кўрилиши лозим.

119. Шиша найчаларида тешик ва ёрилган жойлари бўлмаслиги керак.

120. Сигирларни соғиш тинч муҳитда амалга оширилиши лозим. Сигирларга мулойим ва ишончли муносабатда бўлиш керак.

121. Сигирларни соғишдан олдин қўлни тирсакгача албатта илиқ сувда совин билан ювиш ва тоза шахсий сочиқ билан артиш ҳамда махсус санитария кийимларини (халат, оқ рўмолча ва бошқа) кийиш лозим.

122. Соғиш аппаратини яроқсиз ҳолатга келганларини алмаштириш лозим.

123. Вакуум даражасини ва вакуум ўтказгични текшириб кўриб, зарур ҳолларда уларни талаб даражасига келтириш керак.

124. Соғиш аппаратини вакуум ўтказгичига улаганда сут челагининг қопқоғи зич ёпилганлигига ишонч ҳосил қилиниши керак.

125. Пульсатор фаолиятини ишлаши аниқлик билан текшириб кўрилиши ва унинг ишлаши соғиш аппаратининг техник ҳужжатиغا мувофиқ бўлиши лозим.

126. Сигирнинг елини соғишдан олдин кўз билан кўриб чиқилиши, елин ва сўрғичлар илиқ сув билан артилиши ва уқалаш ўтказилиши лозим.

127. Елинни соғишга тайёрлаш сигирларда оғриқ ҳиссини пайдо қилмаслиги керак. Сўрғичларда ёриқлар кузатилганда, уларга вазелин ёки антисептик воситалар суркалиши лозим.

128. Йилнинг паст ҳароратли совуқ кунларида соғиш стаканлари илиқ сувда иситилиши керак.

129. Сигир соғишни бошлашдан аввал, соғиш челаги унинг ён томони-га қўйилиши ва соғиш аппарати вакуум ўтказгичига уланганидан сўнг вакуум крани очилиши лозим.

130. Соғиш стаканларини елин сўрғичларига кийгизишда сигирнинг орқа оёқлари ва думи билан уришидан эҳтиёт бўлиш лозим. Бунда нотинч сигирлар бойланган жойнинг тепасида махсус огоҳлантирувчи белгилар бўлиши керак.

131. Сут сут идишларига махсус аравачаларда ташилиши лозим. Агар улар қўлда ташиладиган бўлса, икки киши кўтариши талаб этилади.

132. Сигирларни соғиш жараёнида озуқа тарқатиш, гўнг чиқарувчи транспортёрни ишлатиш ман этилади.

133. Сигирларни машинада соғишни амалга оширишда асбоб-ускуналарда носозлик кузатилса, техник ходимга мурожаат қилиш керак.

134. Соғиш ускунасининг типига қараб соғиш аппаратлари, сут ўтказгич қувурлар, сут жиҳозлари улардан фойдаланиш йўриқномалари талабларига биноан ювилиши лозим.

135. Сигирларни қўл билан соғишда улар оёғи, думи ва шохи билан шикаст етказиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

136. Сигирларни қўлда соғишда соғувчиларнинг бўйига мос келадиган ўтирғичлардан, сигирларни оёқларини ва думини хавфсиз ҳолатга келтирадиган мосламалардан фойдаланиш лозим.

137. Ҳар бир сигир соғиб бўлингандан кейин қўл совун билан ёки дезинфекция эритмалари билан ювилиши лозим.

8-§. Ёш молларни иситиш ва нурлатиш

138. Бузоқларни иситиш ва нурлатиш лозим, юқори дозада электр токидан фойдаланиш хизмат кўрсатувчи ходимни ҳимояланмаган тана қисмларини кўйишига олиб келади.

139. Узоқ муддатли ультрабинафша лампаларидан фойдаланилгандан кейин бинолар шамоллантирилиб, азот ва азот оксиди тўпланишини олди олиниши лозим.

140. Ультрақизил лампалар ердан 1,6-1,7 м дан паст бўлмаган баландга ўрнатилиши ва ёнувчи ашёлардан 0,6 м дан яқин бўлмаслиги лозим (ёғоч тўсиқлар ва дарахт кипиқлари).

141. Нурлантирувчи қурилмани баландлигини меъёрлаш пайтида электр тармоғидан ўчирилган бўлиши лозим.

142. Ультрабинафша лампалари ёниқ ҳолатида биноларни, қурилма ва секцияларни тозалаш ҳамда озуқа тарқатиш ман этилади.

143. Бинолардаги ультрабинафша ва инфрақизил лампалари ишлаш вақтида бевосита иштирок этишда В-1, В-2, В-3 ёритгич филтрли ҳимояловчи кўзойнаклар қўлланилиши ҳамда махсус кийимларнинг барча тугмалари қадалган бўлиши лозим.

144. Ультрабинафша лампа дарз кетиши натижасида оққан симоб сўриб олувчи резина мослама орқали олиниши ҳамда лампа синган жойини 1% ли марганец калий ишқори ($MgCa$) билан ювиш лозим.

**IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик
учун жавобгарлик**

145. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

146. Ишларни бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

V. Яқуний қоида

147. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

С. ИСМОИЛОВ

2009 йил 22 апрель

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

2009 йил 22 апрель

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2009 йил 22 апрель

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 22 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

320 Дорихоналар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1978*

(2009 йил 11 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Дорихоналар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
26/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 2 июндаги 26/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

Дорихоналар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ дорихоналар ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча дорихоналар ходимлари (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) томонидан қўлланилиши шарт.

2. Мазкур Қоидалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари, давлат стандартларининг тегишли қоидалари, шунингдек бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талабларининг бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Дорихоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати, бунга махсус ваколат берилган давлат идоралари томонидан, жамоатчилик назорати эса, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмалари томонидан сайланидиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

4. Дорихоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади ҳамда қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

бахтсиз ҳодисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши.

5. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ дорихоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш унинг раҳбарларидан бирининг зиммасига юкланади.

6. Дорихоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқлар бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

7. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

8. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишларини ташкил қилиш ва билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3-§. Касбий танлов

9. Дорихоналарда ишга қабул қилишда касбий танлов талаб қилинадиган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

10. Дорихона иш берувчиси касблар ва мутахассисликлар бўйича касбий танловни ташкиллаштириши ҳамда амалга ошириши зарур.

11. Дорихоналарга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

4-§. Дорихоналардаги хавфли ва зарарли омиллар

12. Дорихоналарда шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда хавфли ва зарарли омилларнинг ҳамда ушбу омиллар таъсирини камайтириш ёки уларни тўлиқ бартараф этиш тадбирларининг рўйхати тузилади.

13. Дорихоналарда ходимларга хавфли ва зарарли омилларнинг қуйидаги гуруҳлари таъсир этиши мумкин:

а) жисмоний хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:

кучли босим билан ишлайдиган жиҳоз (автоклав);

жиҳозлар ва материалларнинг ҳарорати юқори бўлган юзаси;

иш зонасининг ҳарорати юқори бўлган ҳавоси;

намлик даражаси юқори бўлган ҳаво;

табиий ёруғлик мавжуд эмаслиги.

б) кимёвий хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:

нафас олиш йўллари ва тери қопламаси орқали таъсир этувчи зарарли суюқ, каттиқ, буғсимон моддалар ва аэрозоллар;

нафас олиш йўллари, тери қопламаси ва кўзга таъсир этувчи суюқ, каттиқ ва буғсимон моддалар.

в) психофизиологик зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:

сезги органларининг ҳаддан ташқари зўриқиши;

меҳнатни ҳамиша бир хиллиги.

14. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омил-

лар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

5-§. Ходимлар соғлиғини назорат қилиш

15. Дорихоналар ходимларининг соғлиғини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

16. Дорихона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси кўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

17. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик дорихона раҳбари зиммасига юкланади.

18. Ходимларни соғлиғи туфайли уларни рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

6-§. Дорихоналарда санитария ва гигиена талаблари

19. Дорихоналар қўйидаги санитария режими қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим:

хоналарда рухсат этилган ҳарорат, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси, йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

хоналарнинг электр ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик. Лойиҳалаштириш меъёрлари» талабларига жавоб бериши;

электр токининг одамга таъсир этишини олдини олиш бўйича хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.1.019-86 ССБТ «Электрхавфсизлик. Умумий талаблар»га жавоб бериши.

7-§. Дорихоналарда ёнғин хавфсизлиги талаблари

20. Музлаб қолган иситиш, водопровод ва канализация қувурларини очиқ олов билан иситиш тақиқланади. Бунинг учун иссиқ сув, буғ ёки иссиқ қумдан фойдаланиш лозим.

21. Дорихона хоналарини очиқ алангали газ жиҳозлари ёки очиқ спиралли электр иситиш жиҳозлари билан иситишга йўл қўйилмайди.

22. Узоқ туман ва худудларнинг марказлаштирилган иситиш тизими бўлмаган жойлардаги дорихоналарнинг биноларида печка ёқиб иситишга йўл қўйилади. Бунда хоналарни дарчалар орқали шамоллатиш лозим.

23. Ёнғин ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда инсонларни ва моддий бойликларни қутқариш бўйича режа ишлаб чиқилиб, кўринарли жойларга ўрнатиб қўйиш лозим.

24. Бирламчи ёнғин ўчириш воситаларига олиб борадиган йўллар, йўлаклар, зиналар ва бошқа қутқариш йўлларини ҳар хил буюмлар билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

25. Дорихоналар қўриқлаш ва ёнғинни зудликда сезувчи ҳамда хабар берувчи мосламалар билан таъминланиши керак.

26. Бинолар, иншоотлар ва сув манбаларига олиб борувчи йўллар, ўтиш йўллари ва кириш йўлларини ҳамиша соз ҳолатда тутиш ва уларнинг олдини тўсиб қўймаслик керак.

27. Ёнувчан материалларни бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқларда сақлаш, ёндош бинолар қуриш, шунингдек дорихоналар худудида ёнғин хавфсизлигига тегишли оралиқлар қолдирмасдан иморатлар қуриш тақиқланади.

28. Дорихоналарнинг бинолари ёнғин ўчириш учун сув билан таъминланган бўлиши керак.

29. Қутқариш йўлларининг ҳамма эшиклари бинодан чиқиш йўналишида бемалол очилиши лозим.

30. Эшикларни тез очишни таъминлаш мақсадида дорихоналарда албатта чиқиш йўлларининг сонига мувофиқ рақамли биркалар осилган иккита махсус калитлар тўплами (фақат эвакуация чиқиш эшикларининг) бўлиши керак. Калитларнинг бир тўплами навбатчида, иккинчиси эса дорихоналарнинг барча хизматчи ходимларига маълум бўлган жойда сақланиши керак.

31. Қутқариш йўлларининг эшикларини миҳлаб ташлаш қатъиян ман этилади.

32. Дорихоналарда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича жавобгарлик унинг раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

33. Дорихона маъмуриятининг мажбуриятлари:

ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

ёнғин юз берганда бажариладиган, шу жумладан одамларни қутқариш бўйича ходимларнинг мажбуриятларини ишлаб чиқиш.

34. Янги ишга кираётган шахслар ёнғин хавфсизлиги тадбирларига амал қилишнинг йўл-йўриғидан ўтишлари ва ёнғинни бартараф этиш учун объектда мавжуд бўлган бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланишни билишлари лозим.

35. Дорихона худудида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ва сақлаш хоналарида ёнғинни ўчириш воситалари ва ускуналари бўлиши керак.

36. Бирламчи ёнғин ўчириш асбобларидан ёнғин ўчириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш қатъиян ман этилади.

37. Дорихоналарда ёнғин содир бўлганда, раҳбар ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларини кучли таъсир кўрсатадиган, ёнғин чиқарадиган ва

портлайдиган дори воситаларининг мавжудлиги ва сақлаш жойлари тўғрисида хабардор қилиб қўйиши лозим.

38. Дорихонанинг ҳар бир ходими ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиши ва уларга қатъиян амал қилиши, ёнғин содир бўлганда эса ёнғин ўчириш ва одамларни қутқариш учун унга боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриши шарт.

39. Дорихоналарнинг ишлаб чиқариш хоналарида чекиш ман этилади.

40. Қайнатгич, сув иситгич ва титанларни фақат ошхона ёки бунинг учун махсус мослаштирилган хоналарга қўйиш ва ўрнатиш керак.

8-§. Маиший ва қўшимча хоналарга қўйиладиган талаблар

41. Дорихоналарда ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» ва СанҚваМ 0152-04 «Дорихона ва дори воситалари сақланадиган омборхоналарни тузилиши, жиҳозланиши ва ишлатилиши» талабларига мувофиқ қўйидаги маиший ва қўшимча хоналар бўлиши керак:

ходимларнинг иш ва шахсий кийимлари учун алоҳида шкафлар билан жиҳозланган кийиниш хонаси;

хожатхона (қўл ювиш жиҳози билан);

ювиниш хонаси (душхона);

ходимларни овқатланиш ва дам олиш хонаси.

42. Тайёр дори воситаларини сотиш билан фаолият кўрсатувчи дорихоналарда СанҚваМ 0243-07 «Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар билан савдо қиладиган дорихоналар»га мувофиқ қўйидаги маиший ва қўшимча хоналари бўлиши керак:

хожатхона (қўл ювиш жиҳози билан);

ходимларни овқатланиш ва кийиниш хонаси.

43. Маиший ва қўшимча биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

44. Кийиниш хоналари ва душхоналарнинг ўлчамлари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу қабилар қурилмаларнинг сони ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белги-ланиши лозим.

45. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва зарарсизлантирувчи моддалар (хлорамин, хлорли оҳак ва бошқалар) билан тозаланиб турилиши керак.

9-§. Дорихона хоналарида хавфсизлик талаблари

46. Дорихоналарнинг бинолари, ишлаб чиқариш, сақлаш ва савдо хоналарининг сони, майдон ўлчамлари, жойлашиши ҳамда жиҳозланиши

СанҚваМ 0152-04 «Дорихона ва дори воситалари сақланадиган омборхоналарни тузилиши, жиҳозланиши ва ишлатилиши», ҚМҚ 2.08.02-96 «Умумий бинолар ва иншоотлар», ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси» ва ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

47. Дорихоналар хоналарининг деразалари офтоб таъсирига қарши қурилмалар (жалюзи ва бошқалар) билан таъминланиши лозим.

48. Жиҳозлар ахлат ва чанглардан тозалаш учун қулай ҳамда ходимлар бемалол ўтадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

49. Ходимларни савдо бўлимидаги иш жойлари инфекциялардан сақлайдиган ойнали мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

50. Ходимлар ўткир юқумли касалликлар кўпайган вақтларда докадан ниқоб тақиб юришлари шарт.

51. Дорихоналар хоналари ҳар куни зарарсизлантирувчи моддалар билан тозаланиши лозим.

52. Қўл ювиш жиҳози ва ҳожатхоналарда ҳар куни тозалаш ва зарарсизлантириш ишлари олиб борилиши керак.

53. Ҳар бир сменанинг иши тугагач, иш столлари совунли иссиқ сув билан ювилиши, эрталабки смена иш бошлашдан олдин эса тоза нам латта билан артилиши керак.

54. Поллар зарурат бўйича, лекин ҳар куни камида бир марта ювилиб тозаланиши керак.

55. Ҳаво ҳароратини текшириб туриш учун дорихонанинг дори воситаларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш хоналарида термометрлар бўлиши лозим.

56. Бир хонанинг ўзида ҳам люминесцент, ҳам чўғланма чироқларни биргаликда ишлатиш тавсия этилмайди.

10-§. Дори воситаларини тайёрлаш хоналарида хавфсизлик талаблари

57. Дори воситаларини тайёрлаш хоналарида овқатланиш тақиқланади.

58. Дорихоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари дорихонанинг бошқа хоналаридан ажратилган бўлиши керак.

59. Девор ва шипларнинг юзаси намли тозалаш ишларини ўтказиш ва хоналарни зарарсизлантиришга имкон берадиган даражада силлиқ бўлиши лозим.

60. Дори воситаларини тайёрлаш хоналарининг деворлари ва асбоб-ускуналари очиқ ранга бўялган бўлиши керак.

61. Дори воситаларини тайёрлаш хоналарига кириш жойларини полида зарарсизлантирувчи моддалар эритмасига солиб олинган резина гиламча бўлиши керак.

62. Ассистент хоналарида совуқ ва иссиқ сув уланган қўл ювиш жиҳози бўлиши лозим.

63. Асептика блокади хавонинг тозаланиши учун хонадаги 1 м³ ҳавога

3 вт ҳисобидан келиб чиқиб, бактерицид чироқлар ўрнатилган бўлиши керак. Экрانشтирилмаган бактерицид чироқлар иш бошланмасдан 1-2 соат олдин, одамлар бўлмаган вақтда ёқиб қўйилади. Одамлар ишлаётган вақтда хоналардаги 1 м³ ҳавога 1 вт ҳисобидан келиб чиқиб, 1,8 — 2,0 метр баландликда ўрнатилган экранлаштирилган бактерицид чироқлардан фойдаланиш мумкин.

Экрانشтирилмаган бактерицид чироқлардан фойдаланилганда, уларнинг электр улагичлари хонага кириш жойида ўрнатилган «кирилмасин» ёзуви бўлган ёруғлик сигнали билан бирга ёқиладиган қилиб уланади. Тайёр дори воситаларини сотиш билан шуғулланадиган дорихоналарда кварц чироқларидан фойдаланиш мумкин.

III. Дорихоналарда ишлатиладиган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

64. Жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни ишлатишда, унинг техник паспортида келтирилган талабларга амал қилиш зарур.

65. Барча электр жиҳозлари ва электр ускуналарнинг металл қутилари ерда ўрнатилган бўлиши шарт.

66. Электр жиҳозлари ва электр ускуналарининг ишлаши мунтазам равишда текшириб турилиши керак. Носоз электр жиҳозлари ва электр ускуналарда ишлаш тақиқланади.

67. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр плиткалар ва бошқа иситиш жиҳозлари асбест ёки бошқа иссиқликни тутиб турадиган материалга ўрнатилиши керак.

68. Жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни тозалаш, созлаш ва таъмирлаш ишлари уларнинг электр тармоғидан ўчириб қўйиш орқали амалга оширилиши керак.

69. Электр тармоқлари ва электр жиҳозларидан фойдаланилган пайтда электр узатгичларни миҳларга илиб қўйиш, уларнинг устидан гулқоғоз ёпиштириш, химоя қобиғи бузилган электр ўтказгичларни ишлатиш, қўлда ясалган химоя воситаларини ишлатиш, шунингдек электр чироқларни қоғоз ёки мато билан ўраш тақиқланади.

70. Рефрактометрдан фойдаланаётганда кўз толиқиши ва кўриш қобилияти бузилишининг олдини олиш мақсадида ушбу жиҳоз учун назарда тутилган кўриш майдонининг тўғри ёритилишини таъминлаш зарур. Бунда, ишламаётган кўзни юммаслик, навбатма-навбат бир у, бир бу кўз билан ишлаш ва кўз толиққанда танаффус қилиш зарур.

71. Аналитик тарозилар олдида ҳамшиша маҳаллий ёритгич бўлиши лозим.

72. Шиша идиш билан ишлаш вақтида эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Иссиққа бардош бермайдиган совуқ шиша ёки чинни идишга иссиқ суюқликни қуйиш мумкин эмаслигини ёдда тутиш лозим.

73. Синган ўлчов ва бошқа шиша идишларидан фойдаланиш мумкин эмас. Синган шишани дарҳол йиғиштириб олиш ва бошқа ахлатлардан алоҳида сақлаш керак.

2-§. Қуритиш шкафини ишлатишда хавфсизлик талаблари

74. Қуритиш шкафи билан ишлаганда қуйидагилар тақиқланади:
термометрсиз ишлаш;
шкафни ишлатаётганда мунтазам равишда назоратсиз қолдириш;
шкафга тез алангаланадиган моддаларни қўйиш.

3-§. Дистилляторни ишлатишда хавфсизлик талаблари

75. Дорихоналарда сув ҳайдаш махсус ажратилган, деворлари мой бўёк билан бўялган ёки сирланган плита (кафель) лар билан қопланган хоналарда ўтказилиш керак.

76. Дистилляторни ишлатишга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқдан ўтган ходимлар қўйилади.

77. Дистиллятор алоҳида хонага ўрнатилиши керак.

78. Дистиллятор электр тармоғига автомат ўчиргич орқали уланади, уни тўғридан-тўғри штепсель розеткасига улаш ман қилинади.

79. Дистиллятор электр тармоғига эгилувчан резина кабель орқали улашиши керак.

80. Дистилляторнинг металл корпуси ерга уланган бўлиши шарт. Ерга улаш махсус ўрнатилган «ерга улаш контури» га мустаҳкам симлар билан механик улаб бажарилади.

81. Дистилляторни ҳамма тарафдан бошқарадиган қилиб ўрнатиш керак.

82. Дистилляторни ёқишдан олдин қуйидаги ишлар бажарилади:

қурилманинг герметиклигини текшириш;

дистилланган сувни йиғадиган шиша идишларнинг бутунлигини текшириш;

шиша идишни ниппелдан паст қилиб ўрнатиш;

ниппелга резина трубка кийдириб, трубкани эгмасдан шиша идишга тушириш;

канализацияга чиқариб юбориладиган сув оқадиган трубкага резина шланг улаш;

қурилмага сув очаётганда ортиқча сув тошиб кетмайдиган қилиб жўмракни тўғрилаб қўйиш;

қурилмага сув тўсиқларсиз келаётганига, қурилма сувга кераклигича тўлганига ва канализацияга кетадиган сув жўмраги очиқлигига ишонч ҳосил қилиш.

83. Дистиллятор ишлаб турганида қурилмага доимо совуқ сув келиб туришини кузатиб туриш керак.

84. Дистилляторга совуқ сув келиши тўхтаса, дархол ишни тўхтатиш керак.

85. Дистиллятор жўмраклари бузилмаганлигини кузатиб туриш керак.

86. Дистиллятор ишлаётганда назорат остида бўлиши керак.

87. Қаттиқ товуш ёки буғ пайдо бўлганда дистиллятор ўчирилиши лозим.

88. Дистилляторни ишлатадиган ходимларга қуйидагилар ман қилинади:

дистиллятор ва унинг элементларини дистиллятор ишлаётганида тузатиш;

манометр ўрнатилган хонада йўл тўсадиган ва хонани ифлос қиладиган кераксиз буюмларни сақлаш;

ифлосланган сувни қуйиш;

чиқариб юбориш жўмраклари билан ишлаш;

иш вақтида бошқа ишларга чалғиш ва ишлаётган дистилляторни қаровсиз қолдириш;

шиша идишларни махсус корзиналарга солмасдан ташиш;

дистилляторни ишлатишга алоқаси йўқ кишиларни хонага қўйиш.

4-§. Автоклавларни ишлатишда хавфсизлик талаблари

89. Дорихоналарда автоклавларни ўрнатиш, техник кўриқдан ўтказиш, фойдаланиш ва тузатиш ишлари Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 1913, 2009 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 116-модда) мувофиқ амалга оширилади.

90. Дорихоналарда автоклавлардан дори воситалари ва тиббий буюмларни кучли босим остидаги тўйинган сув буғи билан стериллаш мақсадида фойдаланилади.

Дорихоналарда автоклавни ишлатишда қуйидаги омиллар хавфли ҳисобланади:

юқори босим;

электр токи;

юқори ҳарорат;

шовқин;

муҳитнинг намлиги.

91. Дорихоналарда автоклавни ишлатиш қоидалари ва хавфсизлик талабларига риоя қилмаслик қуйидагиларга олиб келади:

электр токи уриши;

стерилланадиган материаллар ва автоклавнинг қизиқ турган қисмларига тегиб кетиш натижасида куйиш;

стериллаш камерасидан буғнинг чиқиб кетиши натижасида куйиш;

эритма солинган шиша идишлар ёрилганда куйиш ва механик шикастланиш.

92. Дорихоналарда автоклавдан фойдаланувчи ходим (автоклавер)лар куйидаги шахсий химоя воситалари билан таъминланиши лозим:

сув ўтказмайдиган этак (фартук);

эритма солинган шиша идишлар ёрилганда автоклавер юзининг куйиши ва механик шикастланишдан химоя қиладиган плексигласдан ясалган қалконча (щиток);

брезент қўлқоп;

пахтадан тўқилган, қўш астарли қўлқоп;

тиббий ёрдам қутичаси.

5-§. Автоклавларда эритмаларни стериллашда хавфсизлик талаблари

93. Стериллаш камерасида шиша идишлар бир хилда қизиши учун махсус идишларга ётиқ юзаларини ораси 1 мм, тик юзаларини ораси 5 мм қилиб жойлаштириш керак.

94. Камерадаги босимни кўрсатувчи манометрни мили нолга тушганда, қопқоқ ёки эшик маҳкамлагичлари секин бўшатилади ва ортиқча босим йўқлигига ишонч ҳосил қилинади, шундан сўнг қолган буғларни чиқиб кетиши учун қопқоқ 10 — 15 дақиқага очиб қўйилади.

Агар автоклав стериллаш материаллари вакуум қуритиш тармоғи билан таъминланган бўлса, унда камерага ҳаво бериш жўмрағи очилади. Ушбу талаблар бажарилмаса камерада «сўриб олиш» вазияти юз бериши мумкин, бу қолган буғни сувга айланиши ва камерадаги босимни атмосфераникидан пасайиб кетиши билан боғлиқдир. Шу сабаблар бўлиб камерага жўмраклар орқали сув сўрилиб кириши мумкин. Сув қизиб турган шиша идишлар билан қўшилганда, шиша идишлар кичик портлашлар ҳосил қилиб ёрилади.

95. Ташқаридаги ҳаво ҳарорати 18°C дан паст бўлганда камерани қопқоғи ёки эшигини очишдан олдин дераза дарчасини ёпиб қўйиш керак. Совуқ ҳавонинг 120°C даражада қиздирилган, ичидаги эритма катта босим остида бўлган шиша идишлар билан қўшилиши шиша идишларни ёрилишига олиб келади.

96. Эритма солинган шиша идишлар тахланган идиш камерани қопқоғи ёки эшиги очилган вақтдан 20 — 30 дақиқа ўтгандан кейин камерадан олинади. Бу вақт ичида шиша идишдаги эритмани ҳарорати ва ортиқча босими камаяди. Натрий гидрокарбонат эритмаси солинган шиша идиш ичидаги ортиқча босимни камайишига 40 — 50 дақиқадан кам бўлмаган муддат керак.

97. Ҳар бир стериллаш цикли тугагандан кейин автоклавер стериллаш камерасида керакли ҳарорат бўлганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунинazorат қилиш стериллаш камерасини турли жойларига ўрнатилган 3 дона индикаторни ранги ва ҳолатига қараб бажарилади.

98. Қизиб турган шиша идишларни камерадан ёки идишлардан олиб иш жойига ўрнатишда сочиқ ёки қўлқопдан фойдаланиш керак. Бу ишни жуда эҳтиёткорлик билан, чайқалиш, кескин силташ ва шиша идишни урилиб

кетишига йўл қўймасдан бажариш керак. Шиша идишлар тахланган усти очик идишларни камерадан олинганда шиша идишлар ёрилиб ходимларга шикаст етказмаслиги учун идишни устига сочиқ ёпиб қўйиш керак.

99. Камерадан шиша идишларни олгандан кейин, унинг ичини шиша идишни синган бўлакчаларидан тозалаш керак. Бундан ташқари буғ чиқиб кетадиган труба тешикларига шиша бўлакчалари, ёрлик ва бошқа нарсалар кириб қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

100. Эритма солинган шиша идишларни стериллашда вакуум қуритиш тармовини ишлатиш қатъиян ман қилинади.

101. Шиша идишларга солинган эритма 100 мл дан кўп бўлса, стериллаш жараёни тугагандан кейин уларни ҳарорати 80°C даражага тушишига кетадиган муддатда камерада ушлаб турилиши керак.

IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

102. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

103. Ишларни бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

V. Якуний қоида

104. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

2009 йил 22 апрель

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2009 йил 22 апрель

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 22 апрель

*«Дори-Дармон» акциядорлик
компанияси бошқарув раиси*

У. САЛИХБАЕВА

2009 йил 22 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**321 Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта
ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1979*

(2009 йил 11 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 мартдаги 70-сонли «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 12-сон, 131-модда) 5-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 май,
11-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 май,
52-сон

Иқтисодиёт вазири**Б. ХЎЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 май,
52-4-4/46-сон

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 май,
11/2-сон

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси,
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Марказий банк Бошқарувининг
2009 йил 28 майдаги 11, 52, 52-4-4/46,
11/2-сонли қарорига
ИЛОВА

**Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш
учун етказиб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 мартдаги 70-сонли «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 12-сон, 131-модда) 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудда кейинчалик уларни қайта ишлаш учун иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва ташкилотларга етказиб бериш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

макулатура — қоғоз ишлаб чиқариш чиқиндилари, хизмат муддати ту-гаган қоғоз ва картондан бўлган буюмлар, эски газеталар, журналлар, китоблар, ҳисобдан чиқарилган архив ҳужжатлари, шунингдек эскирган ҳужжатлар;

тайёрловчи ташкилотлар — макулатурани тайёрлаш билан шуғулланувчи, қабул қилиш пунктлари ва кўчиб юрувчи тайёрловчилар тармоғига эга бўлган юридик шахслар;

қайта ишловчи ташкилотлар — макулатурани қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ва макулатурадан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар;

қабул қилиш пункти — юридик ва жисмоний шахслардан макулатура қабул қилиш объекти;

макулатура топширувчилар — макулатурани топширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

II. Макулатура топшириш ва қабул қилишни ташкиллаштириш тартиби

2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг худудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси худудида қовғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш масалалари бўйича Республика комиссияси томонидан белгиланган проғноз кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда ўзларининг таркибига кирувчи ташкилотларга макулатура топшириш бўйича проғноз ҳажмларни белгилайдилар.

3. Жорий иш фаолияти давомида ҳосил бўладиган макулатурага эга бўлган юридик шахслар ёнғинга қарши хавфсизликни таъминлаган ҳолда уни нам етмайдиган жойда тўплашни, макулатурани турига қараб ажратишни ва унинг ташилишини таъминлаб, алоҳида боғламларда ёки бошқача усулда жойлашни амалга оширадилар.

4. Вақтинчалик сақлаш муддати белгиланган ҳужжатларни юридик шахсинг тегишли бўйруғи асосида тузилган эксперт комиссиясининг тегишли руҳсатисиз макулатурага топширишга йўл қўйилмайди.

5. Юридик шахсларнинг архив ҳужжатлари белгиланган (вақтинча) сақлаш муддати тугагандан ва тегишли давлат архив муассасалари томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг, шунингдек улар томонидан доимий сақлаш рўйхати тасдиқланган ва ушбу хронология даври учун шахсий таркиб рўйхати келишилгандан сўнг макулатура сифатида қайта ишлаб чиқаришга топширилиши мумкин.

6. Қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган ташкилотларнинг, шунингдек белгиланган тартибда банкрот деб топилган ташкилотларнинг ҳужжатлари илмий-техник ишловдан ўтгандан сўнг ва давлат архив муассасасининг тегишли қарори билан макулатурага топширилади.

7. Жисмоний шахслар ўзларининг ҳаётий фаолиятлари давомида ҳосил бўладиган макулатурани топширадилар. Жисмоний шахслардан иш юритув ҳужжатлари қабул қилинмайди.

8. Макулатура ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мансублигидан қатъи назар, тайёрловчи, қайта ишловчи ташкилотлар ва қабул қилиш пунктлари томонидан қабул қилиниши мумкин.

9. Қабул қилиш пунктлари турар-жой биноларидан ташқарида жойлашиши ҳамда ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига ва санитария меъёрларига жавоб бериши керак.

10. Қабул қилиш пунктларида кўринадиган жойга иш вақти ва қабул қилинадиган макулатура нархлари тўғрисидаги маълумот осиб қўйилиши шарт.

11. Макулатуруни қабул қилиш-топшириш, етказиб беришнинг энг кам миқдори, макулатуруни қабул қилиш пунктига етказиб бериш шартлари шартнома билан белгиланади.

12. Топширилаётган макулатурунинг сифати ГОСТ 10700-97 талабларига жавоб бериши лозим.

III. Топшириладиган макулатура учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

13. Ҳисоб-китоблар макулатура топширувчи:

юридик шахслар билан — нақд пулсиз;

жисмоний шахслар билан — нақд пулда амалга оширилади.

14. Қабул қилинаётган макулатура учун ҳисоб-китоб қилишда макулатура топширишни рағбатлантирувчи ва тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шунингдек ушбу тузилмаларга кирмайдиган қабул қилиш пунктларини тузган юридик ва/ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган эркин (шартномавий) нархлар қўлланилади.

15. «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ, «Ўзбек қоғози» ОАЖ таркибига кирмайдиган қабул қилиш пунктлари ёки аҳолидан макулатура қабул қилувчи, тайёрловчи ташкилотлар макулатура етказиб бериш бўйича қайта ишловчи ташкилотлар билан шартномавий (эркин) нархларда шартнома тузадилар.

16. Макулатура топшириш учун юридик шахслар бевосита қайта ишловчи ташкилотлар бўлган «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ, «Ўзбек қоғози» ОАЖ билан ёки уларнинг жойлардаги вакили иштирокида шартнома тузадилар. Бунда, макулатура бевосита қайта ишловчи ташкилотга, шунингдек унинг қабул қилиш пунктларига топширилиши мумкин.

17. Юридик шахслардан макулатура қабул қилишда уч нусхада далолатнома тузилади, унинг биттаси кейинчалик ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш учун макулатура топширувчига берилади.

IV. Нақд пул воситаларининг сарфланиши устидан назорат

18. Топширилаётган макулатура учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур бўладиган нақд пул маблағларини олиш мақсадида тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ҳисобланган ҳажмларда макулатура қабул қилишни таъминлайдиган суммага пул чекини топширадилар.

19. Тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотлар томонидан бўйсунувчи қабул қилиш пунктларига пул маблағларини ажратиш харажат касса ордери ёки ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган тўлов қайдномаси бўйича амалга оширилади.

20. Тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган қабул қилиш пунктлари уларга ҳар ойда харажатлар ва пул маблағларига бўлган эҳтиёж тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

21. Нақд пулдан кўрсатилмаган мақсадлар учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

22. Пул маблағларининг келиб тушиши, уларни қабул қилиш пунктларига ва кўчма тайёрловчиларга тарқатиш, меъёрларни тўғри қўллаш, макулатурани ва нақд пул маблағларининг сақланиши, нақд пул ва макулатура ҳаракати билан боғлиқ бўлган барча операциялар бўйича бирламчи ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш учун жавобгарлик тайёрловчи ва қайта ишловчи ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтерига юклатилади.

23. Нақд пулларни сарфланиши, уларни қабул қилиш пунктларига ажратилиши, пул воситаларини ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган барча операцияларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши устидан назорат тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

24. Нақд пул воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

V. Яқуний қоидалар

25. Мазкур Низом талабларини бузилишига айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

26. Мазкур Низом Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзархив» агентлиги, «Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ ва «Ўзбек қоғози» ОАЖ билан келишилган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 21 май*

**«Ўзархив» агентлиги
Бош директори**

А. АБДУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 22 май*

**«Sanoatqalinqog'ozsavdo» ХИ ОАЖ
Бошқаруви раиси**

Ш. ОСМАНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 25 май*

**«Ўзбек қоғози» ОАЖ
Бошқаруви раиси**

М. УМАРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 26 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИНИНГ
БАЁНИ

322 Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

[Кўчирма]

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1564-1*

(2009 йил 11 июлдан кучга киради)

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳайъатининг 2006 йил 22 апрелдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1564, 2006 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 17-сон, 142-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Ҳайъат раиси,
вазир**

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 июль,
16/09-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги Ҳайъати мажлисининг
2009 йил 1 июлдаги 16/09-сонли баёнига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати
далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошисидagi «аниқ» сўзи «оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 20-бандда:

биринчи хатбошисидаги «гербли гувоҳномалар сарфини ҳисобга олиш» сўзлари «гербли гувоҳномаларни сарфлаш» сўзлари билан алмаштирилсин; куйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтарлари қатъий ҳисобда юритилиши лозим.

Адлия бошқармаси томонидан ФХДЁ органларига фақат гербли гувоҳномаларни сарфлаш дафтарлари тўлиқ тўлдирилиб, тугатилганидан кейин янги дафтарлар берилади. Берилаётган дафтарлар рақамланиб, уларни тарқатиш бўйича алоҳида китобга қайд қилинади ва олган шахсга имзо қўйдирилади.».

3. 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «китобдаги» сўзи «сарфлаш дафтаридagi» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Куйидаги мазмундаги 36¹-банд билан тўлдирилсин:

«36¹. ФХДЁ органида туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги такрорий гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилинган аризаларни рўйхатга олиш дафтарлари мазкур Йўриқноманинг 8-иловасида келтирилган шакл бўйича ҳар бир фуқаролик ҳолати далолатномалари учун алоҳида юритилади.».

5. 41-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«41. Туғилганликни қайд этириш учун Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига белгиланган бир ойлик муддат ўтказиб, бола 16 ёшга тўлгунча мурожаат этилган ҳолларда туғилганликни қайд этиш рад қилинмайди, балки умумий асосларда амалга оширилади. Бола бир ёшга тўлганидан сўнг, унинг туғилганлиги ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойида қайд этилади ва заруратга қараб қўшимча равишда куйидаги маълумотномалар талаб қилиниши мумкин:

боланинг соғлиғи тўғрисида участка педиатридан маълумотнома;

мактабгача таълим муассасаси ёки мактабдан у ерга қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотнома;

тегишли ФХДЁ архивидан ушбу болага нисбатан туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

Бола бир ёшга тўлганидан сўнг туғилганлик қайд этилган ҳоллар 14 (22) шакл ҳисоботида муддати ўтказиб қайд этирилган туғилиш устунида ажратиб кўрсатилади.».

6. Куйидаги мазмундаги 41¹-банд билан тўлдирилсин:

«41¹. Бола туғруқхонадан ташқари жойларда туғилган бўлса ва ушбу ҳолатда у бир ёшга тўлгандан сўнг туғилганлик қайд этилган тақдирда, мазкур Йўриқноманинг 41-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотномаларга қўшимча равишда ФХДЁ органига бола туғруқхонадан ташқари жойларда туғилганлигини тасдиқловчи далолатнома ҳам тақдим этилади.

Агарда туғруқхонадан ташқари жойларда туғилган боланинг туғилганлигини тасдиқловчи далолатнома тузилмаган бўлса ва туғилишни қайд этиш

учун етарли асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, боланинг у ёки бу онадан туғилганлик фактини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.».

7. 42-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай ҳолларда, агар боланинг онаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризага никоҳда турган шахснинг (эрнинг) нотариал тасдиқланган розилиги илова қилиниши ёки ФХДЁ органига келиб ёзма равишда ўз розилигини билдириши лозим. Бундай розилик ФХДЁ органи раҳбари томонидан тасдиқланади.».

8. 44-бандда:

биринчи хатбошисидаги «тасдиқланмаган ҳолларда» сўзлари «тасдиқланиши лозим бўлиб,» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агарда туғилган боланинг онаси вояга етмаган бўлса, туғилганлик боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги тиббиёт муассасасининг маълумотномаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг аризасига асосан қайд этилади. Бундай ҳолда, болани туққан онанинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек яшаш жойидан, ўқиётган бўлса ўқиш жойидан расми елимланган ҳолдаги маълумотномалар тақдим этилиши лозим.».

9. 49-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Йўриқноманинг 41-бандида кўрсатилган маълумотномалар тақдим этилганда, юқорида кўрсатилган ариза ушбу маълумотномалар билан бирга берилади.».

10. 53-банд қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Далолатнома ёзуви ёлғиз она аризасига асосан қайд этилгандан кейин, оталикни белгилаш ҳолати расмийлаштириляётганда, боланинг ота-онаси қонуний никоҳдан ўтиб, она эрининг фамилиясига ўтган бўлса, она устунига онанинг фамилиясига ўзгартириш киритилиб, бу ҳақда онадан қўшимча равишда ариза олинмайди. Бу ҳолатда оталикни белгилаш ота ва онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида амалга оширилади.».

11. 60-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Ҳоким қарорининг юқори ўнг бурчагига туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувининг қайд этилган санаси ва берилган гувоҳнома серияси, қарорнинг пастки ўнг бурчагига эса гувоҳноманинг тартиб рақами ва санаси ёзиб қўйилади.».

12. 65-банднинг иккинчи хатбошисидаги «никоҳни қайд этириш» сўзлари «ФХДЁ органига тиббий маълумотномалар тақдим этилган» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. 67-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«67. Никоҳга кириш ҳақидаги қабул қилинган аризалар никоҳ қайд этилгунгача алоҳида йиғмажилдларда сақлаб турилади. Чет эл фуқаролари билан никоҳни қайд этишда, аризага чет эл фуқаросининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва таржимаси ҳамда никоҳда турмаслиги ҳақидаги, яъни оилавий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилинган ҳолда илова қилинади.».

14. Қўйидаги мазмундаги 70¹-банд билан тўлдирилсин:

«70¹. Алоҳида ҳолларда, истисно тариқасида (агар ота-онаси ва никоҳланувчилар Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида яшаб турган бўлсалар) отаси ёки онасининг ёзма аризасига кўра, никоҳ ота-онасининг ёки никоҳланувчилардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органида қайд этилиши мумкин ҳамда бу тўғрисида ФХДЁ органи томонидан никоҳланувчиларнинг яшаб турган жойларидаги ФХДЁ архивларига хабарнома юборилиши лозим. Ушбу олинган хабарномалар асосида ФХДЁ архивлари томонидан алоҳида тегишли алфавит дафтарлари юритилади.

Масалан: никоҳланувчи шахслардан бирининг доимий яшаш жойи Андижон вилояти, иккинчисиники эса Самарқанд вилоятида бўлиб, никоҳлари Тошкент шаҳар 1-сон Никоҳ уйида қайд этилган бўлса, бундай ҳолатда Тошкент шаҳар 1-сон Никоҳ уйи томонидан фуқароларнинг никоҳлари қайд этилганлиги тўғрисида Андижон ва Самарқанд вилоят ФХДЁ архивларига хабарнома юборилади».

15. 82-банднинг иккинчи хатбошиси «ариза» сўзидан кейин «муружаат этган фуқаронинг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан қабул қилинади ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

16. 84-бандда:

иккинчи хатбошиси «ҳамда муружаат қилган шахсга маълумотнома беради» сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги «бўлими» сўзи «органи» сўзи билан алмаштирилсин.

17. 87-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«87. Ўлимни қайд этиш муддатини ўтказиб муружаат этилганида, ФХДЁ органи томонидан ўлимни қайд этиш рад қилинмайди ва умумий асосларда амалга оширилади.

Ўлимни қайд этиш муддатини ўтказиб, бир йилгача муружаат этилганда, марҳумнинг ўлган жойи бўйича ёки ўлимидан олдин яшаган жойи бўйича, бир йилдан сўнг муружаат этилганда эса, марҳумнинг ўлимидан олдин яшаган жойи бўйича ФХДЁ органи томонидан ўлим қайд этилади.

Ўлим ҳақида тиббий гувоҳноманинг асл нусхаси такдим этилмаган ҳолларда, фуқаронинг вафот этган ва ўлимидан олдин яшаган жойидаги адлия бошқармаси ФХДЁ архиви томонидан ўлим қайд этилмаганлиги ҳақида маълумотнома олинганидан кейингина далолатнома ёзуви қайд этилади.»

18. 90-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар фуқаронинг ўлими, унинг доимий яшаш жойи бўйича эмас, балки вафот этган жойи бўйича қайд этилганда, унинг паспорти ва харбий билети уларни берган ички ишлар ва мудофаа ишлари бўлимларига юборилади.»

19. Қуйидаги мазмундаги 90¹-банд билан тўлдирилсин:

«90¹. Туғилган бола унинг туғилиши қайд этилмасдан вафот этганда, унга туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзуви ҳамда бир вақтнинг ўзида ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилиб, талаб қилинганда ўлим ҳақидаги гувоҳнома берилади.»

20. 92-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Никоҳдан ажралганда никоҳгача бўлган фамилиясига қайтишни танлаб, лекин шахсини тасдиқловчи ҳужжати ўзгаришсиз қолган ҳолларда фуқаро тегишли ариза билан ФХДЁ органига мурожаат қилади ва ФХДЁ органи томонидан никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш киритилади.»

21. Қуйидаги мазмундаги 94¹, 94² ва 94³-бандлар билан тўлдирилсин:

«94¹. Бола 16 ёшга киргунга қадар фамилияси, исми ёки ота исмига миллий-тарихий анъаналарга кўра қўшимчалар (хон, хўжа, хожи, бек, бону, биби, бегим, зода, мир, абду ва хоказолар) қўшилса, бу ҳолат унинг ота-онасини аризасига кўра далолатнома ёзувига қўшимча киритиш йўли билан амалга оширилади.

94². Бола 16 ёшга тўлиши билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини олгунга қадар, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида имло хатолар бўлганлиги сабабли, унга тузатиш киритиш ёки исмига қўшимча киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, тузатиш ёки қўшимча киритиш унинг ота-онаси розилиги билан амалга оширилади.

94³. Агарда, фуқаро Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 15-моддасига кўра исмининг охирига хон, хўжа, хожи, бек, бону, биби, бегим, зода, мир, абду ва ота исмини ёзишда — евич, ович, евна, овна, кизи, ўғли, ий, зода қўшимчаларни киритишни истаса, бу ҳолат ёшидан қатъи назар, далолатнома ёзувига қўшимча киритиш йўли билан амалга оширилади.»

22. Қуйидаги мазмундаги 96¹ ва 96²-бандлар билан тўлдирилсин:

«96¹. Агарда, фуқаро битта ҳудудда доимий рўйхатдан ўтиб яшаётган бўлса, лекин унинг туғилганлик, никоҳ, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари бошқа ҳудудда қайд этилган бўлса, фуқаро унга тегишли бўлган далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ёки қўшимча киритиш учун далолатнома ёзуви қайд этилиб, сақланаётган жойдаги ФХДЁ бўлимига мурожаат қилади. Бундай ҳолларда, агар далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ёки қўшимча киритиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, фуқаронинг аризасига асосан ФХДЁ бўлими томонидан шу куннинг ўзида унинг далолатнома ёзувига тегишли ўзгартириш, тузатиш ёки қўшимча киритилиши лозим.

96². Агар далолатнома ёзувида исми қискартирилиб, эркалаш шаклида ёзилган ва имло хатоликка йўл қўйилган бўлса ҳамда фуқаро далолатнома ёзувидаги исмини тузатишни истаса, фуқаронинг ёшидан қатъи назар, ФХДЁ бўлимида унинг аризасига асосан, шу куннинг ўзида далолатнома ёзувига тузатиш киритиш йўли билан амалга оширилади.

Масалан: туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида исми Мохчехра деб ёзилган бўлса — Моҳичеҳрага, Батирдан — Ботирга».

23. 101-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йиғмажилднинг ички чап томонига, унда тикилган ҳужжатларнинг рўйхати ёзилиб, илова қилинган ҳужжатлар кетма-кетлик билан тикилади

ҳамда йиғмажилднинг орқа томонига унинг нечта варақдан иборатлиги ёзилиб, мудир томонидан тасдиқланади.».

24. 115-банддан «200 — 250 варақли дафтар холида» сўзлари чиқариб ташлансин.

25. 123-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Чет элда яшовчи фуқаро томонидан берилган ҳамда чет тилида тузилган ишончнома орқали такрорий гувоҳнома беришда, ишончнома белгиланган тартибда легализация қилинган ҳолдагина қабул қилинади.».

26. 10-илова VIII-бўлимнинг бешинчи — саккизинчи хатбошилари «ва ушбу аризаларни рўйхатга олиш дафтари» сўзлари билан тўлдирилсин.

27. 61-илова 4-банднинг «б» кичик банди «ва мазкур аризаларни рўйхатга олиш дафтарлари» сўзлари билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 27 июндан 3 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган истеъмол товарларининг рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 22 июндаги 76, 65, ЭГ-01/10-3881, 01-02/8-13-сонли қарори.*

2009 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1853-1 (2009 йил 7 июлдан кучга киради).

2. «Сигирлар ва насл буқаларни парвариш қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 24/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1977 (2009 йил 11 июлдан кучга киради).

3. «Дорихоналар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 июндаги 26/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1978 (2009 йил 11 июлдан кучга киради).

4. «Қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг 2009 йил 28 майдаги 11, 52, 52-4-4/46, 11/2-сонли қарори.*

2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1979 (2009 йил 11 июлдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия*

вазирлигининг 2009 йил 1 июлдаги 16/09-сонли Ҳайъати мажлисининг баёни [Кўчирма].

2009 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1564-1 (2009 йил 11 июлдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Кувурётқизгич-кранларни хавфсиз ишлатишга оид кранчи (машинист)-лар учун намунавий йўриқнома». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

2. «Идишлар, аппаратлар, қозонлар ва технологик қувурларнинг акустик-эмиссион назоратини ташкил этиш ва ўтказиш қоидалари». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

3. «Азот ишлаб чиқариш саноатида органик ишлаб чиқаришлар учун хавфсизлик қоидалари». «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг